



**ҚМҚ 2.04.01-98.** Бинолар ички водопроводи ва канализацияси.  
ЎЗР Давархитектқурилишқўми, Тошкент ш, 1998, 174 бет

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН :** ЎзЛИТТИ ХЖ (т.ф.н., В.П.Ильин - мавзу раҳбари, т.ф.н. Е.А.Насонов, муҳандислар Р.Р.Қодиров, Ф.Г.Қаюмова), ЎзТЯЖПРОМ ХЖ (муҳандис С.Е.Штереншис), ТашГИПРОГОР ОТХЖ (муҳандис В.А. Горбунов), ЎЗР.ССВ НИИСГПЗ (Ўзбекистон Республикаси ФА муҳбир аъзоси, м.ф.д. Т.И.Искандаров, м.ф.н. Бочкарёва), ТАҚИ (т.ф.н. Ю.К. Рашидов), МЧЖ СУВ ТАЪМИНОТИ (муҳандислар Т.А.Мирсаидов, Р.А.Черных).

ҚМҚ 2.04.01-98 ни ишлаб чиқишда СНИП 2.04.01-85 материалларидан фойдаланилган.

**КИРИТИЛГАН :** ЎзЛИТТИ ХЖ

**РЕДАКТОРЛАР:** Ф.Ф.Бакирхонов (Давархитектқурилишқўми), С.А.Хўжаев, Л.А.Мухамедшин, А.М.Комилов (ЎзЛИТТИ ХЖ).

**ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН:** ЎЗР. Давархитектқурилишқўмининг лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан (К.М.Холмирзаев).

ҚМҚ 2.04.01-98 "Бинолар ички водопроводи ва канализацияси" кучга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СНИП 2.04.01-85 "Бинолар ички водопроводи ва канализацияси" ўз кучини йўқотади.

Давлат тилига Ю.К.Рашидов ва Ф.У.Рашидова таржимаси

**КЕЛИШИЛГАН:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, ЎЗР ИИВ ЁСБ.

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг руҳсатисиз тўла ёки қисман чоп қилиниши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

|   |  |                           |
|---|--|---------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси<br>Давлат архитектура ва<br>қурилиш қўмитаси<br><br>(Давархитектқурилишқўм) | Қурилиш меъёрлари ва<br>қоидалари            | ҚМҚ 2.04.01-98            |
|   | Бинолар ички водопроводи<br>ва канализацияси | СНиП 2.04.01-85<br>Ўрнига |

## 1. УМУМИЙ ҲОЛАР

1.1. Ушбу меъёрлар қурилаётган ва реконструкция қилинадиган ички совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация ва тарнов тизимларини лойиҳалашга татбиқ этилади.

1.2. Ички совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация ва тарнов тизимларини лойиҳалашда, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ёки келишилган ҳақиқий меъёрлар, 0067-96-сонли ЎЗР СанҚваМ "Ичимлик суви сифатининг гигиеник мезонлари" ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт.

1.3. Ушбу меъёрлар қуйидагиларини:

портловчи, осон алангаланувчи ва ёнувчи моддалар ишлаб чиқарувчи ёки сакловчи, ҳамда бошқа объектлар, қайсики, ички ўт учиретиш водопроводи талаблари алоҳида меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўрнатилган корхоналар ўт учиретиш водопровод тизимларини;

автомат ўт учиретиш тизимларини;

иситиш пунктларини;

иссиқ сув ишлаб чиқариш қурилмаларини;

саноат корхоналарининг технологик эҳтиёжларига сув берадиган иссиқ сув таъминоти тизимларини (шу жумладан, даволаш тадбирларига) ва технологик жиҳозлар чегарасида иссиқ сув таъминоти тизимларини;

махсус ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимларини (ионсизлаштирилган сув, ўта совутилган ва бошқаларни) ...

... лойиҳалашга татбиқ этилмайди.

1.4. Ички водопровод - санитария-техника асбобларига, ўт учиретиш крани ва технологик жиҳозларга сув беришни таъминловчи, бир бино ёки бинолар ва иншоотлар гуруҳига хизмат қилувчи ва аҳоли пункти ёки саноат корхоналари водопровод тармоғида умумий сув улчачиқ мосламасига эга бўлган қувур узатгичлар ва мосламалар тизимидир.

Ташқи сув учиретишга тизимдан сув берилганда, бино ташқарисига ётқизиладиган қувур узатгичлар лойиҳаси ҚМҚ 2.04.02-97 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар" га мувофиқ бажарилиши лозим.

Ички канализация - санитария-техника асбоблари ва технологик жиҳозлардан оқова сувларни зарур бўлганда маҳаллий тозалаш қурилмалари билан ҳамда ёмтир ва қор сувларини аҳоли пункти ёки саноат корхоналарининг канализация тармоғининг вазифасига мос равишда ажратиб берувчи, биринчи назорат қудутигача бўлган қувур узатгичлар ва мосламалар тизимидир.

*Эслатмалар: 1. Иссиқ сув тайёрлаш иситиш пунктлари ва иситиш тармоқларини лойиҳалаш бўйича курсатмаларга мувофиқ қурилмаларда тайёрланиши кўзда тутилмиши лозим;*

|   |  |   |
|---|--|---|
| ЎЗЛИТТИ ҲҲ<br>Ҳиссадорлик жамияти<br>томонидан киритилган | Ўзбекистон Республикаси<br>Давлат архитектура ва қурилиш<br>қўмитасининг 1998 йил<br>7 январдаги 2 - сонли буйруғи<br>билан тасдиқланган | Амалга киритиш санаси<br>1998 йил 1 мартдан |
|---|--|---|

Расмий нашр

*2. Оқава сувларни маҳаллий тозалаш қурилмалари ҚМҚ 2.04.03-97 "Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар" га, шунингдек, муассасавий қурилиш меъёрларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.*

**1.5.** Канализациялаштирилган районларда қуриладиган барча турдаги биноларда, ички сув таъминоти ва канализация кўзда тутилиши лозим.

Аҳоли пунктларининг канализациялаштирилмаган районларида ички сув таъминоти ва маҳаллий тозалаш қурилмасига эга бўлган канализация иншоотлари турар жой биноларида, ётоқхоналарда, қишлоқ шароитида: қариялар учун уйларда ва ногиронлар бор оилалар учун уйларда ҚМҚ 2.08.01-94 "Турар жой бинолари" га мувофиқ, жамоат биноларида қишлоқ шифохона пунктларида ва бошқа биноларда ҚМҚ 2.08.01-96 "Жамоат бинолари ва иншоотлари" га мувофиқ кўзда тутилиши зарур.

*Эслатмалар: 1. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларда марказлаштирилган водопровод бўлмаганда ва бир сменада ишловчилар сони 25 кишидан ортиқ бўлмаган ҳолларда, агар ишлаб чиқариш жараёнлари санитария тавсифномаси бўйича I гуруҳга қарашли бўлиши шартида, ички сув таъминоти ва канализация тизимларини кўзда тутмасликка рухсат этилади.*

*2. Ички хужалик-ичимлик ёки ишлаб чиқариш водопроводи билан жиҳозланган биноларда ички канализация тизимини кўзда тутиш зарур.*

**1.6.** Аҳоли пунктларининг канализациялаштирилмаган районларидаги қуйидаги биноларда (иншоотларда) ҳожатхоналар ёки алоҳида жойлашган кураклаб олиш туридаги ҳожатхона билан жиҳозлаш қуйидаги ҳолларда:

саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолари бир сменада ишловчилар сони 25 кишигача бўлганда:

1-2 қават баландлиқдаги турар жой бинолари ва кўпи билан 50 кишига мўлжаллаган 1-2 қават баландлиқдаги ётоқхоналар ҚМҚ 2.08.01-94 "Турар жой бинолари" га мувофиқ;

жамоат бинолари ҚМҚ 2.08.02-96 "Жамоат бинолари ва иншоотлари" га мувофиқ ...

... рухсат этилади.

**1.7.** Ички тарновларни ўрнатип зарурлиги лойиҳанинг архитектура-қурилиш қисмига мувофиқ амалга оширилади.

**1.8.** Ички совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация ва тарновларда қўлланиладиган қувурлар, арматуралар, жиҳозлар ва материаллар ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтган ушбу меъёр, давлат стандартлари, меъёрлар ва техник шартлар талабларига мос келиши шарт.

Ичимлик сувини ташишда ва сақлашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хўжалик-ичимлик сув таъминоти амалиётида қўллаш учун рухсат этилган қувурлар, материаллар ва емирилишга қарши қопламалар қўлланилиши лозим.

**1.9.** Лойиҳаларда қўлланилувчи асосий техникавий ечимлар ва уларнинг бажарилишининг кетма-кетлиги мумкин бўлган вариантлар кўрсаткичларини таққослаш билан асосланиши зарур.

**1.10.** Ушбу меъёрда қабул қилинган асосий ҳарфий белгиланишлар 1-сонли мажбурий Иловада келтирилган.

## **2. СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА СУВНИНГ СИФАТИ ВА ҲАРОРАТИ**

**2.1.** Хужалик - ичимлик эҳтиёж-



ларига узатилувчи совуқ ва иссиқ сувнинг сифати ГОСТ 2874-84 "Ичимлик суви" ва 0067-96-сонли ЎзР СанҚваМ "Ичимлик сувининг гигиеник сифатининг мезонлари" га мос бўлиши шарт. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларига узатилувчи сувнинг сифати технологик талаблар билан аниқланади.

Аҳолининг ичимлик ва санитария-гигиена талабларини таъминлашда ичимлик суви танқис бўлган районларда ГОСТ 2874-84 "Ичимлик суви" дан четланишлар ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЎзР Давлат табиат қўмитаси билан келишилган ҳолдагина рухсат этилади.

2.2. Сув тақсимлаш жойларида иссиқ сувнинг ҳарорати 50°C дан паст ва 75°C дан юқори бўлмаслигини кўзда тутиш лозим.

2.3. Мактабгача болалар муассасалари хоналарида душ ва юз-қўл ювгичларнинг сув тақсимлагич арматураларига узатиладиган иссиқ сувнинг ҳарорати 37°C дан ошмаслиги шарт.

2.4. Умумовқатланиш корхоналари ва бошқа сув истеъмолчилари учун, қайсики, 2.2 да кўрсатилгандан юқори ҳароратдаги иссиқ сув зарур бўлганда, суви иситиш учун маҳаллий сув иситгичлар кўзда тутилиши зарур.

2.5. Марказлашган иссиқ сув таъминоти тизими тақсимлаш қувур узатгичларига узатилувчи иссиқ сувнинг ҳароратини иситиш пунктларини лойиҳалаш бўйича қўлланма билан мос равишда қабул қилиш тавсия этилади.

2.6. Аҳоли пунктлари ва корхоналарда, қаерда ичимлик суви манбалари истеъмолчиларнинг барча талабларини қондира олмаганда, санитария - эпидемиология хизмати органлари билан келишилган ҳолда, писсуарларга ва унитазларнинг

оқишиш бачоқларига ичишга яроқсиз сувнинг берилишига рухсат этилади.

### 3. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИДА СОВУҚ ВА ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ УЧУН ИССИҚЛИКНИНГ ҲИСОБИЙ САРФИНИ АНИҚЛАШ

3.1. Совуқ, иссиқ сув таъминоти ва канализация тизимлари, сув узатиш ва оқава сувларни кетказишни, 3-сон мажбурий Иловага мувофиқ сув сарфининг меъёрлари бўйича ҳисобланган ва истеъмолчиларнинг ёки ўрнатилган санитария - техника асбоблари ҳисобий сонига мувофиқ таъминлаши шарт.

3.2. Сув оладиган арматуранинг бир секундадаги сув сарфи  $q_0$  ( $q_0^{(a)}$ ,  $q_0^{(b)}$ ,  $q_0^{(c)}$ ), л/с, бир асбобга нисбатан, қуйидагича аниқланиши лозим:

алоҳида асбоб билан - 2 - мажбурий Иловага биноан;

боши берк тармоқда бир хил истеъмолчиларга хизмат қилувчи турли асбоблар билан - 3 - мажбурий Иловага биноан;

ҳар хил сув истеъмолчиларига хизмат қилувчи турли асбоблар билан - қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$q_0 = \frac{\sum N_i P_i q_{0i}}{\sum N_i P_i} \quad (1)$$

$P_i$  - санитария - техника асбобларининг ҳаракат эҳтимоли, ҳар бир сув истеъмолчилари гуруҳи учун 3.4 бандга биноан аниқланган.

$(q_0)$  - сув оладиган арматуранинг бир секундадаги сув сарфи (умумий, иссиқ, совуқ), л/с, ҳар бир сув истеъмолчилари гуруҳи учун 3 -

мажбурий Иловага биноан қабул қилинади.

**Эслатмалар:** 1. Ҳалқали тармоқ гашкил қилинганда, сув сарфи  $q_0$  бутун тармоқ учун аниқланиши лозим ва барча қисмлари учун бир хил қабул қилиниши лозим.

2. Турар жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларида сув сарфи ҳақида маълумотлар ва санитария-техника асбобларининг техникавий тавсияномалари бўлмаганда, қуйидагини қабул қилишга рухсат этилади:

$$q_0^{\text{tot}} = 0,3 \text{ л/с}; q_0^{\text{h}} = q_0^{\text{c}} = 0,2 \text{ л/с.}$$

3.3. Тармоқнинг ҳисобий участкасидаги сувнинг максимал секундли сарфини  $q$  ( $q_0^{\text{tot}}$ ,  $q_0^{\text{h}}$ ,  $q_0^{\text{c}}$ ), л/с, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$q = 5q_0 \alpha, \quad (2)$$

бу ерда  $q_0$  ( $q_0^{\text{tot}}$ ,  $q_0^{\text{h}}$ ,  $q_0^{\text{c}}$ ) - сувнинг секундли сарфи, ушбу катталиқни 3.2 бандга мувофиқ аниқлаш лозим.

$\alpha$  - тармоқнинг ҳисобий участкасидаги  $N$  асбобларнинг умумий сонига боғлиқ ҳолда ва 3.4 бандга мувофиқ ҳисобланадиган  $P$  уларнинг ҳаракат эҳтимолига боғлиқ ҳолда 4-сон тавсияли Иловага мувофиқ аниқланадиган коэффициент. Бунда 4-сон тавсияли Илованинг 1-жадвалини  $P > 0,1$  ва  $N \leq 200$  бўлган ҳолда қўллаш лозим;  $P$  ва  $N$  ларнинг бошқа катталиқларида  $\alpha$  коэффициентни 4-сон тавсияли Илованинг 2-жадвали бўйича қабул қилиш лозим.

$P$ ,  $N$  аниқ ҳисобий катталиқлари ва  $q_0 = 0,1; 0,14; 0,2; 0,3$  л/с қийматларида сувнинг максимал секундли сарфини ҳисоблаш учун 4-сон тавсияли Илованинг 1-4 номограммаларидан фойдаланишга рухсат этилади.

**Эслатмалар:** 1. Тармоқнинг охириги участкаларидаги сув сарфини ҳисоб бўйича, аммо ўрнатилган санитария-техника асбобларидан бирининг максимал секундли сарфидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

2. Саноат корхоналарининг технологик эҳтиёжларига зарур сув сарфини жиҳоз ишининг вақт бўйича тўтри келиш шартида технологик жиҳоз томонидан сув сарфининг йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

3. Саноат корхоналари ёрдамчи бинолари учун  $q$  қийматни (2) - формула бўйича аниқланадиган маиший эҳтиёжларга ва 2-сон мажбурий Иловага мувофиқ ўрнатилган душхона сеткалари сони бўйича душхоналар эҳтиёжига зарур сув сарфларининг йиғиндиси сифатида аниқлашга рухсат этилади.

3.4. Тармоқ участкаларидаги санитария - техника асбобларининг  $P$  ( $P^{\text{tot}}$ ,  $P^{\text{h}}$ ,  $P^{\text{c}}$ ) таъсир эҳтимолини қуйидаги формулалар бўйича аниқлаш лозим:

а) бино (биноларда) ёки иншоот (иншоотларда) бир хил сув истеъмолчилари булганда  $U/N$  нисбат ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда

$$P = \frac{q_{\text{нсу}} U}{q_0 N \cdot 3600} \quad (3)$$

б) турли мақсадларга мўлжалланган иншоотда (иншоотларда) ёки бинода (биноларда) сув истеъмолчиларининг фарқланувчи гуруҳларида

$$P_{\text{г}} = \frac{\sum N_i P_i}{\sum N_i} \quad (4)$$

**Эслатмалар:** 1. Биноларда ва иншоотларда санитария-техника асбобларининг сони ҳақида маълумотлар бўлмаганда  $P$  ни (3) ва (4) формулалар бўйича  $N = U$  деб қабул қилиб, аниқлашга рухсат этилади.

2. Сув истеъмолчиларининг бир неча гуруҳлари учун сувнинг энг кўп истеъмол қилиш давлари суткалар вақти бўйича мос келмаса, у ҳолда тизим учун асбоблар таъсирининг эҳтимоллигини, ўхшаш тизимлардан фойдаланиш вақтида аниқланадиган пасайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, (3) ва (4) формулалар бўйича ҳисоблашга рухсат этилади.

3.5. Оқава сувларининг максимал секундда сарфини  $q^s$ , л/с, қуйидагича аниқлаш лозим:

а) асбоблар гуруҳига ҳизмат қилувчи иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимларидаги сувнинг умумий максимал секундда сарфида  $q^{tot} \leq 8$ , л/с, ни қуйидаги формула бўйича:

$$q^s = q^{tot} + q_0^s; \quad (5)$$

б) бошқа ҳолларда  $q^s = q^{tot}$ .

3.6. Санитария - техника асбобларининг соатли сув сарфини  $q_{0,br}$  ( $q_{0,br}^{tot}$ ,  $q_{0,br}^c$ ,  $q_{0,br}^s$ ), л/соат, қуйидагича:

а) бинода (биноларда) ёки иншоотда (иншоотларда) сув истеъмолчилари бир хил бўлганда 3-сон мажбурий Иловага мувофиқ;

б) бинода (биноларда) ёки иншоотда (иншоотларда) фарқланувчи сув истеъмолчилари бўлганда қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$q_{0,br} = \frac{\sum_{i=1}^n N_i P_{br,i} q_{0,br,i}}{1 + \sum_{i=1}^n N_i P_{br,i}}; \quad (6)$$

Эслатма: Турар жой ва жамоат бинолари (иншоотлари) учун санитария-техника асбоблари ҳақида техникавий тавсифнома ва уларнинг сони ҳақида маълумотлар булмаганда, қуйидагича қабул қилишга рухсат этилади:

$$q_{0,br}^{tot} = 300 \text{ л/соат};$$

$$q_{0,br}^c = q_{0,br}^s = 200 \text{ л/соат}.$$

3.7. Умуман олганда, тизимлар учун санитария-техника асбобларидан фойдаланиш эҳтимоллиги  $P_{br}$  ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$P_{br} = \frac{3600 P q_0}{q_{0,br}}; \quad (7)$$

3.8. Сувнинг максимал соатли сарфини  $q_{br}$  ( $q_{br}^{tot}$ ,  $q_{br}^c$ ,  $q_{br}^s$ ), м<sup>3</sup>/соат, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$q_{br} = 0,005 q_{0,br}^c q_{br}; \quad (8)$$

бу ерда,  $q_{br}$  - 3.7 бандга мувофиқ ҳисобланадиган  $P_{br}$  - улардан фойдаланиш эҳтимоллиги ва лойиҳаланадиган тизимлар ёрдамида хизмат курсатадиган асбобларнинг умумий сони  $N$ га боғлиқ бўлган 4-сон тавсияли Иловага мувофиқ аниқланадиган коэффициент. Бу ҳолда, 4-сон тавсияли Иловадаги 1-жадвалдан  $P_{br} > 0,1$   $N \leq 200$  бўлганда фойдаланиш лозим,  $P_{br}$  ва  $N$  ларнинг бошқа қийматларида  $q_{br}$  - коэффициентни 4-сон тавсияли Иловадаги 2-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Эслатма. Саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари учун  $q_{br}$  катталикнинг қийматини кўп сонли энг катта сменадаги сув истеъмолчиларининг сони бўйича 3-сон мажбурий Иловадан қабул қилинадиган, душларда ва ҳужалик-ичимлик талабларида фойдаланиладиган сув сарфининг суммаси сифатида аниқлашга рухсат этилади.

3.9. Ҳафта давомида ўртача суткаларда сувнинг ўртача соатли сарфини,  $q_{br}$  ( $q_{br}^{tot}$ ,  $q_{br}^c$ ,  $q_{br}^s$ ), м<sup>3</sup>/соат, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:



$$q_m = \frac{\sum q_{m,i} U_i}{1000 \cdot 24} \quad (9)$$

бу ерда  $q_m$  - 3-сон мажбурий Илова буйича қабул қилинади.

3.10. Максимал сув истеъмолининг  $T$ , соат, давр ичиде,  $q_T$  ( $q_T^{tot}$ ,  $q_T^h$ ,  $q_T^c$ ), м<sup>3</sup>/соат, сувнинг уртача соатли сарфини қуйидаги формула буйича аниқлаш лозим:

$$q_T = \frac{\sum q_{m,i} U_i}{1000 T} \quad (10)$$

бу ерда:  $q_m$  - 3-сон мажбурий Илова буйича қабул қилинади.

3.11. Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқлик тармоғидаги қувур утказгичларидан бевосита сув тақсимлагични лойиҳалаштиришда сув тақсимлагич стоякларидеги иссиқ сувнинг уртача ҳароратини 65°C га тенг ҳолда ушлаб туриш, иссиқ сув сарфининг меъерини эса 0,85 коэффициент билан 3-сонли мажбурий Иловага мувофиқ қабул қилиш лозим, бу ҳолда истеъмоқ қилинадиган сувнинг умумий миқдори ўзгартирилмасин.

3.12. Оқава сувларнинг максимал соатли сарфини, 3,8 бандга мувофиқ аниқланадиган, ҳисобий сарфларга тенг деб қабул қилиш лозим.

3.13. Сувнинг суткали сарфини қуйишга сарфланадиган сувнинг сарфини ҳисобга олган ҳолда, барча истеъмоқчилар томонидан сарфланадиган сув сарфининг йиғиндиси каби аниқлаш лозим. Оқаваларнинг суткали сарфини қуйишга сарфланадиган сув сарфини ҳисобга олмасдан сув истеъмолига тенг деб қабул қилиш шарт.

3.14. Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжларига керакли иссиқлик

оқимларини иссиқлик сарфларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формулалардан ҳисоблаш лозим:

а) ҳафта давомидаги уртача суткадаги уртача соатли оқим  $Q_{in}^c$ , кВт,

$$Q_{in}^c = 1,16 \cdot q_{in}^c (55 - t^c) + Q^{in} \quad (11)$$

б) уртача соатли оқим  $Q_{in}^h$ , кВт,  $T$ , соат, даврдаги максимал сув истеъмоли

$$Q_{in}^h = 1,16 \cdot q_{in}^h (55 - t^c) + Q^{in} \quad (12)$$

в) максимал соатли оқим  $Q_{in}^h$ , кВт

$$Q_{in}^h = 1,16 \cdot q_{in}^h (55 - t^c) + Q^{in} \quad (13)$$

3.15. Иссиқ сув таъминоти тизимларидаги иссиқлик йўқотилиши  $Q^{in}$ , кВт, кириш узелларидан сув иситиш пунктларидан, узатувчи ва циркуляция қувур узаткичлардан, сочик қуритгичлардан, арматурадан, иссиқлик бак-аккумуляторлардан ва бошқа қурилмалардан иссиқлик йўқотилишининг йиғиндиси каби аниқлаш лозим.

## ВОДОПРОВОД

### 4. СОВУҚ СУВ ВОДОПРОВОД ТИЗИМЛАРИ

4.1. Биноларда ва иншоотларда қуйидаги ичимлик, хўжалик-ичимлик, ишлаб чиқариш, ёнгина қарши ички сув узатгич тизимлари кузда тутилади: қайсики, қуйидагиларни: бинога кириш жойларини, сув улчаш тармоқларини, тақсимловчи тармоқни, стоякларни, технологик қурилмаларга ва санитария асбобларига улагичларни, сув тақсимлаш, аралаштириш, беркитиш ва ростлаш арматураларини уз ичига олади. Маҳаллий шароитга ва ишлаб чиқариш технологияларига боғлиқ ҳолда, ички сув узатгич тизимларига насос қурилмаларини ва ички сув



узатгич тизимларига уланган эҳтиётлаш ва ростлаш сизимларини кiritиш лозим.

4.2. Ички сув узатгич тизимларини танлаш, биноларнинг мўлжалланиши, санитария - гигиена ва ёнгина қарши талабларга, ишлаб чиқариш технологияси талабларига, шунингдек, сув таъминоти манбаларидан тегишли сифатга эга сув билан таъминлаш имкониятини ва ташқи водопровод ва канализациянинг қабул қилинган тизимларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ичимлик суви сифатида бериладиган сув узатгич тизимларини ҳўжалик- ичимлик сув узатгич тизимлари билан бирга уланишига йўл қўйилмайди.

4.3. Баландлиги бўйича 10 м ва ундан ортиқлиги билан ажралиб турадиган бинолар гируҳи учун сув таъминоти тизимларидаги ушбу биноларга талаб этиладиган сув босимини таъминлайдиган чоратадбирларни кўзда тутиш лозим.

Ҳўжалик-ичимлик сув узатгичлари стоякларини ҳалқалашни кўзда тутиш тавсия этилади.

4.4. Сув узатгич ишлаб чиқариш тизимлари технологик талабларга жавоб бериши, ашпаратура ва қувур узатгичларда емирилишлар, қувур ва ашпаратураларда биологик ўсимталар ҳосил қилмаслиги шарт.

4.5. Бинолардаги (иншоотлардаги) ёнгина қарши сув узатгич тизимини, одатда, ҳўжалик-ичимлик ёки ишлаб чиқариш сув узатгичига эга тизимлардан бирига бишлаштириш лозим.

Ичимлик суви тақчил булган районларда ёнгина қарши водопровод тизимларини ичимлик ва ҳўжалик - ичимлик тизимларига улашга рухсат этилмайди.

*Ҳўжалик ва ишлаб чиқариш эҳтиётларига зарур булган сув захираси сақланадиган резервуарларда*

*меъёрий сув алмашинуви таъминланмаганда ёнгина қарши мустақил водопровод ўрнатилишини кўзда тутиш тавсия этилади.*

4.6. Сув сарфини камайтириш учун айланма сув таъминоти тизимларини қўйидаги биноларда:

- ишлаб чиқаришда технология талабларига боғлиқ ҳолда, ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш, маъмурий ва маиший бинолари ва ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари иншоотлари, бинолари, корхоналарини қурилиши бўйича лойиҳалаштириш талабларига мувофиқ равишда;

- умумий овқатланиш корхоналарида совутгич қурилмаларидаги конденсаторларни совутишга;

- жамоат биноларида совутгич қурилмаларининг конденсаторларини ёки ҳаво оқимини суви совутиш билан кондициялашни марказлаштирилган ёки автомат тизимлари билан ...

... кўзда тутиш лозим.

*Эслатма. Сув сарфи  $4 \text{ м}^3 / \text{соат}$  дан кам булганда ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда айланма тизимларни кўзда тутмасликка рухсат этилади.*

4.7. Айланма сув таъминоти тизимларини, технологик қоритмаларни, маҳсулотларни ва жиҳозларни техникавий имкониятлар булганда, совутиш учун, одатда, савутгичларга сувнинг берилишидаги оқимнинг узилмаслиги, қолдиқ босимни ишлатган ҳолда, ва циркуляция қувур ўказгичларда назорат - сигналли қурилмаларни ўрнатишни кўзда тутиб, лойиҳалаштириш лозим.

4.8. Сув таъминоти тизимларини лойиҳалаштиришда, сувнинг шовқинини ва бефойда сарфини камайтириш бўйича чоратадбирларни кўзда тутиш зарур.

4.9. Лойиҳаларда, сув узатгичнинг ҳар бир тизими бўйича

сув сарфининг қуйидаги кўрсаткичларининг кийматлари келтирилши шарт.

хафта давомида ўртача суткада  $q_{\text{сутк}}^{\text{с}} \text{ м}^3/\text{сутка}$ , ўртача соатли,  $q_{\text{соат}}^{\text{с}} \text{ м}^3/\text{соат}$ , максимал соатли,  $q_{\text{соат}}^{\text{с}} \text{ м}^3/\text{соат}$ , максимал секундли,  $q^{\text{с}} \text{ л/с}$ , сув сарфи;

киришда ташқи сув узатгич тармоғида талаб этилган энг кам кафолатланган сувнинг отилиб чиқиши  $N_{\text{от}}$  м.

## 5. ИССИҚ СУВ ВОДОПРОВОДИ ТИЗИМЛАРИ

5.1. Турли хил мақсадларга мўлжалланган иншоот ва биноларнинг хўжалик - ичимлик талаблари учун истеъмо қилинадиган иссиқ сувнинг ҳажми ва режимига боғлиқ ҳолда марказлашган сув таъминоти ёки маҳаллий сув иситгич тизимларини кўзда тутиш лозим.

*Эслатма. Технологик талабларга зарур ичимлик сифатига эга иссиқ сувни бериш зарурияти тутилганда, у ҳолда бир вақтда хўжалик - ичимлик ва технологик талаблар учун иссиқ сувнинг берилишини кўзда тутишга рухсат этилади*

5.2. Технологик талаблар учун ичишга яроқсиз иссиқ сув берадиган қувур узатгичларни иссиқ сув таъминоти тизими қувур узатгичлари билан бирлаштириш, шунингдек, технологик жиҳоз ва истеъмолига бериладиган сувнинг сифатининг ўзгариши мумкин бўлган иссиқ сув қурилмаларининг бевосита боғланишига рухсат этилмайди.

5.3. Марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимлари учун сувнинг қайта ишланиш ва иситиш схемасини танлашни СНиП 2.04.07-86 "Иссиқлик тармоқлари" ва "Иссиқлик пунктларини лойиҳалаштириш бўйича қўлланмага" га мувофиқ, шунингдек, иссиқлик таъминоти

манбаси сифатида қуёш энергияси-дан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

5.4. Марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимларида, сув иситиш пунктларини жойлаштириш, одатда, иссиқ сув истеъмо қилинадиган район марказида жойлаштиришни кўзда тутиш лозим.

5.5. Иссиқ сув истеъмоли вақт бўйича чегараланган марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимларида, агар унинг ҳарорати сув тақсимлаш жойларида ҳақиқий меъёرنинг 2-бобда ўрнатилганидан кам пасаймаса, у ҳолда иссиқ сувнинг айланишини кўзда тутмасликка рухсат этилади.

5.6. Даволаш - профилактика муассасалари хоналари ва биноларидаги мактабгача ва турар жой биноларидаги ваннахоналарда ва душхоналарда иссиқ сув таъминоти тизимларига уланадиган, одатда, схема бўйича, уларни доимо қиздирилишини таъминлайдиган сочиқ қуригичларнинг ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Ш қурилиш - иқлимий зонада ҚМҚ 2.01.01-94 "Иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар" га мувофиқ даволаш-профилактика ва мактабгача болалар муассасаларидан ташқари, қуриладиган биноларда ёз даврида сочиқ қуригичларга иссиқ сув берилишини кўзда тутмасликка рухсат этилади.

*Эслатма. Бевосита сув тақсимлагичлар билан иссиқлик тармоқларига уланган, марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимларига иссиқ сув берилганда, сочиқ қуригичларни душхоналар ва ваннахоналарнинг йил бўйи амалдаги мустақил иссиқлик тизимларига ёки фасли ҳаракатдаги умумий тизимларга улашга рухсат этилади.*

5.7. Балаңдиги 5 қаватдан юқори булган турар жой ва жамоат биноларида сув тақсимловчи

стояклар гуруҳи, одатда, тизимнинг йиғма циркуляцияли қувур узатгичига ҳар бир секция тугунини бир циркуляцияли қувур узатгич билан секцияли тугунларга ҳалқаловчи улагичлар орқали бирлаштирилиши лозим. Секцияли тугунларга, одатда, учтадан еттигача сув тақсимлаш стоякларини бирлаштириш лозим. Ҳалқаловчи улагичларни, иссиқ чордоқ буйича, иссиқлик изоляцияси қатлами остида совуқ чордоқ буйича, сувни сув тақсимлаш стоякларига юқоридан узатилганда ертуда буйича ёки сувни сув тақсимлаш стоякларига пастдан узатилишида юқори қаватнинг шифти тагида ўтказилиши тавсия этилади.

*Эслатмалар: 1. Циркуляцияли стоякларнинг йиғинди узунлигидан ошадиган, ҳалқаловчи улагич узунлигидаги сув тақсимлаш стоякларини ҳалқалашга рухсат этилмайди.*

*2. Санитария-гигиена ёки технологик талаблар буйича иссиқ сувнинг донмий ҳароратини таъминлаш лозим бўлган биноларда, қаватлигидан қатъий назар, ҳалқаловчи улагичларни ўрнатишга рухсат этилади.*

5.8. Бинонинг баландлиги 5 қаватгача бўлган, шунингдек, ҳалқаловчи улагичларни ўтказиш имконияти бўлмаган биноларда сочиқ қуритгичларни қуйидаги ҳолларда ўрнатишга рухсат этилади:

иссиқ сув таъминоти тизимларининг сув айлантириш стоякларида;

йил бўйи ҳаракатдаги ванна хоналарини иситиш тизимларида, бунда сув тақсимлаш стоякларини ва тарқатиш қувур узатгичларини умумий изоляцияли иссиқлик қувур узатгичлар билан биргаикда ўтказиш лозим.

5.9. Сув айлантириш стоякларига ва сув айлантириш қувур узатгичларига сув тақсимлаш

асбобларини улашга рухсат этилмайди.

5.10. Қишлоқ аҳолиси истиқомат қиладиган жойлар ва посёлкалар учун иссиқ сув таъминоти тизимлари тури техника-иқтисодий ҳисобларга кўра аниқланади.

5.11. Марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимларида бак-аккумуляторларни ўрнатишни 13-бобга мувофиқ кўзда тутиш лозим.

5.12. Иссиқ сув таъминоти тизимларидаги босим санитария асбоблари қошида 0,6 МПа (6 кгс/см<sup>2</sup>) дан ошмаслиги шарт.

5.13. Лойиҳаларда ҳар бир иссиқ сув таъминоти тизими буйича қуйидаги курсаткичларнинг:

сувнинг максимал секундди  $q^h$ , л/с, максимал соатли  $q_{hr}^h$ , м<sup>3</sup>/соат, ва ҳафта давомида уртача суткадаги  $Q_{h,m}^h$ , м<sup>3</sup>/сутка, уртача соатли  $q_m^h$ , м/соат, сарфи;

иссиқлик сарфини ҳисобга олган ҳолда иссиқ сув таъминоти эҳтиёжларига зарур бўлган иссиқлик оқими, максимал соатли  $Q_{hr}^h$ , кВт, ва иситиш даврида ҳафта давомида уртача суткада уртача соатли  $Q_m^h$ , кВт;

иссиқ сув таъминоти тизимининг уртача соатли иссиқлик йўқотиши  $Q^{ht}$ , кВт;

иссиқ сувнинг циркуляцияли сарфи  $q^{cu}$ , л/с, ва ушбу сарфда қувур ўтказгич тизимлари циркуляция ҳалқасида сув отилиб чиқишининг йўқолиши  $N$ , м;

иссиқлик тармогининг қайтма қувур ўтказгичида талаб этилган энг кичик кафолатланган сувнинг отилиб чиқиши  $N_g$ , м., (иссиқлик тармогидан бевосита сув тақсимланиши бўлган тизимлар учун) ва иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимларида совуқ водопроводнинг киришидаги



қийматлари келтирилган  
бўлиши шарт

## 6. ЁНГИНГА ҚАРШИ ВОДОПРОВОД ТИЗИМАЛАРИ

6.1. Турар жой ва жамоат бинолари, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг маъмурий - маиший бинолари учун, ички ёнгинга қарши сув ўтказгич қурилмалари, шунингдек, ёнгини учиретишга сувнинг минимал сарфини 1-жадвалга мувофиқ аниқлаш, ишлаб чиқариш ва омбулри бинолар учун эса 2-жадвалга мувофиқ аниқлаш лозим.

Ёнгини учиретишга сувнинг сарфини оқимнинг ихчам қисми баланглигига ва сочилиш диаметрига боғлиқ ҳолда 3-жадвал бўйича аниқлаш лозим.

Автоматик ўт учиретиш тизимларини ўрнатишга заруриятни, вазирликлар тасдиқлаган, автоматлаштирилган ўт учиретиш воситалари билан жиҳозлашга мўлжалланган хоналар ва бинолар рўйхатлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ қабул қилиш лозим. Бунда ёнгин кранларининг ва спринклерли ёки дренчерли қурилмаларнинг бир вақтдаги ҳаракатини инобатга олиш лозим.

### 1- жадвал

| Турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший бинолар ва хоналар              | Оқим сони | Ички ўт учиретиш учун бир оқимга тўғри келадиган минимал сув сарфи, л/с |
|--|-----------|---|
| 1. Турар жой бинолари:   |           |   |
| қаватлар сони 12 дан 16 гача бўлганда                                | 1         | 2,5   |
| худди шунингдек, коридорнинг умумий узунлиги 10 м дан ортиқ бўлганда | 2         | 2,5   |
| қаватлар сони 16 дан 25 гача юқори                                   | 2         | 2,5   |

| Турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший бинолар ва хоналар                                      | Оқим сони | Ички ўт учиретиш учун бир оқимга тўғри келадиган минимал сув сарфи, л/с |
|--|-----------|---|
| булганда   |           |   |
| худди шунингдек, коридорнинг умумий узунлиги 10 м дан ортиқ бўлганда                         | 3         | 2,5   |
| 2. Бошқармалар бинолари:   |           |   |
| қаватларнинг баланглиги 6 дан 10 гача ва ҳажми 25000 м <sup>3</sup> гача бўлганда            | 1         | 2,5   |
| худди шунингдек, ҳажми 25000 м <sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда                               | 2         | 2,5   |
| қаватлар сони 10 дан ортиқ ва ҳажми 25000 м <sup>3</sup> гача бўлганда                       | 2         | 2,5   |
| худди шунингдек, ҳажми 25000 м <sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда                               | 3         | 2,5   |
| 3. Эстрада клублар, театр, мажлислар ва киноаппаратура билан жиҳозланган конференция заллари |           | ҚМҚ<br>2.08.02-96<br>"Жамоат бинолари ва шшоотлари" га мувофиқ.         |
| 4 2-позицияда курсатилмаган, ётоқхоналар ва жамоат бинолари:                                 |           |   |
| қаватлар сони 10 гача ҳажми 5000 дан 25000 м <sup>3</sup> гача бўлганда,                     | 1         | 2,5   |
| худди шунингдек, ҳажми 25000 м <sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда;                              | 2         | 2,5   |
| қаватлар сони 10 дан юқори ва ҳажми 25000 м <sup>3</sup> гача бўлганда;                      | 2         | 2,5   |



| Турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший бинолар ва хоналар   | Оқим сони | Ички ўт учирishi учун бир оқимга тўғри келадиган минимал сув сарфи, л/с |
|---|-----------|---|
| худди шунингдек, ҳажми 25000 м <sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда;                                 | 3         | 2,5   |
| 5. Саноат корхоналарининг маъмурий ва маиший бинолари ҳажми, м <sup>3</sup> 5000 дан 25000 гача | 1         | 2,5   |
|   | 2         | 2,5   |

*Эслатмалар: 1. Турар жой бинолари учун минимал сув сарфини, ёнгин таёқлари, қўлқоплари ва диаметри 38 мм бошқа жиҳозлар бўлганда, 1,5 л/с га тенг қабул қилишга рухсат этилади.*

*2. Бинонинг ҳажми сифатида, ҚМҚ 2.08.02-96 "Жамоат бинолари ва иншоотлари" га мувофиқ аниқланадиган бинонинг қурилиш ҳажми қабул қилинади.*

*3. Коридорнинг умумий узунлигига қаватдаги коридорларнинг, ёруғ холларнинг, утиш жойларининг, галерейларнинг ва бошқа шу каби хоналарнинг йиғинди узунлиги киради, зиналарга катаклари ва лифт холлари бундан мустаснодир.*

*4. Балаңдлиги 10 ва ундан ортиқ қаватли саноат корхоналарининг маъмурий ва маиший бинолари учун ўт учирishiга минимал сув сарфини 1-жадвалнинг 4-бади бўйича худди курсатилган балаңдликдаги жамоат бинолари каби аниқлаш лозим.*

6.2. Балаңдлиги 50 м дан ортиқ ва ҳажми 50000 м<sup>3</sup> гача бўлган (категориясига боғлиқ бўлмаган ҳолда) жамоат ва ишлаб чиқариш биноларида ички ўт учирishiга сув сарфини ва оқим сонини ҳар бири 5 л/с бўлган 4 оқим каби қабул қилиш лозим; бинолар ҳажми жуда катта бўлганда, ҳар бири 5 л/с бўлган 8 оқим қабул қилиш лозим.

6.3. Ишлаб чиқариш ва омборхона хоналарида, агар улар учун 2-жадвалга мувофиқ ички ёнгинга қарши сув утказгич урнатилишининг зарурлиги курсатилган бўлса, 2-жадвал бўйича аниқланган ички ўт учирishiга минимал сув сарфини қуйидаги ҳолларда ошириш лозим:

ўтга чидамлилиқ даражаси III ва IVа бўлган биноларда ҳимояланмаган пулат конструкцияларнинг каркас элементларини қўллаганда, шунингдек, бутун ёки елимланган ёгочни қўллаганда (шунингдек, ўтга қарши ишлов берилганда) - 5 л/с га (бир оқим);

ўтга чидамлилиқ даражаси IVа бўлган ёнувчи материалли иситкичларни биноларнинг тўсиқ конструкцияларида қўлланилишида - ҳажми 10 минг м<sup>3</sup> гача бўлган бинолар учун 5 л/с (бир оқим);

ҳажми 10 минг м<sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда, қўшимча - ҳар қайси кейинги тулик ёки тулик бўлмаган 100 минг м<sup>3</sup> ҳажмга - 5 л/с (бир оқим) га ошириш лозим.

Ўшбу пункт талаблари 2-жадвалга мувофиқ, ички ёнгин сув узатгичини кўзда тутиш талаб этилмайдиган биноларга татбиқ этилмайди.

6.4 Бир вақтнинг ўзида 500 киши ва ундан ортиқ истиқомат қиладиган залларнинг хоналарида, агар у ерда ёнмайдиган безак бўлса, ички ўт учирishi учун оқимлар сонини 1-жадвалда курсатилганга қараганда 1 тага кўпроқ қабул қилиш лозим.

6.5. Ички ёнгинга қарши сув узатгичлар қуйидаги ҳолларда кўзда тутилмайди:

а) ҳажми ёки балаңдлиги 1 ва 2-жадвалда курсатилгандан кам бўлган хоналарда ва биноларда;

б) умумтаълим мактаблари коллежлар, лицейлар биноларида, шунингдек, кучмас киноаппаратура билан жиҳозланган мажлислар залига эга мактаблар, ётоқхона хоналарида

эга мактаб-интернатлардан ташқари, шунингдек, ҳаммомларда;

в) исталганча уришлар сонига эга мавсумий кинотеатрлар биноларида;

г) ишлаб чиқариш сув узаткичи билан жиҳозланмаган, улар учун ёнгин учиритиш сизимларидан (резервуарлардан, сув ҳавзаларидан) сув қўлланилиши натижасида портлаш, ёнгин, ут тарқалиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш биноларида;

д) Г ва Д категориядаги утга чидамлилиқ даражаси I ва II бўлган, ҳажмига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш биноларида ва Г, Д категориядаги ҳажми 5000 м<sup>3</sup> дан ортиқ бўлмаган утга чидамлилиқ даражаси III-IV бўлган ишлаб чиқариш биноларида;

е) саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш, маъмурий ва маиший биноларида, шунингдек, сабзаёт ва меваларни сақлаш учун хоналарда ва совуткичларда, хўжалик-ичимлик ёки амалга оширилиши кўзда тутилган биноларда;

ж) дағал ем, пестицидлар ва минерал ўғитлар омборлари бўлган биноларда

*Эслатмалар: 1. Ҳажми 5000 м<sup>3</sup> гача, утга чидамлилиқ даражаси В, I ва II категорияли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш биноларида ички ут учиритиш сув узаткичини кўзда тутмасликка руҳсат этилади.*

*2. Интернат бинноси билан қушилган ёки уларда интернат хоналари жойлаштирилган мактаб биноларида аҳолига хизмат курсатиш ва мактаб машгулотлари учун биргаликда фойдаланадиган клуб - спорт хоналарининг ажратилган блокларида; ҳажми 5000 м<sup>3</sup> бўлган ҳаммом биноларида, агар уларда умумий овқатланиш корхоналари, кир қабул қилиш пунктлари ва бошқа ёнгинга ҳавфли хоналар жойлашган бўлса, у ҳолда ички ёнгин сув узаткичинини кўзда тутиш лозим.*

**6.6.** Турли хил қаватли бинолар қисми ёки турли мақсадларга мўжаланган хоналар учун ички ёнгинга қарши сув узаткич урнатишнинг зарурлиги ва ўт учиритишга зарур сувнинг сарфини бинонинг ҳар бир қисми учун 6.1 ва 6.2 бб. ларга мувофиқ қабул қилиш лозим.

Бу ҳолда ички ўт учиритишга сувнинг сарфини:

ёнгинга қарши деворлари бўлмаган бинолар учун бинонинг умумий ҳажми буйича;

I ва II тур ёнгинга қарши деворлар билан қисмларга бўлинган бинолар учун - агар у ерда сувнинг энг кўп сарфи талаб этилса, бинонинг ўша қисмининг ҳажми буйича ...

... қабул қилиш лозим.

Утга чидамлилиқ даражаси I ва II бўлган биноларни ёнмайдиган материалли ўтиш жойлари билан бирлаштирилганда ва ёнгинга қарши эшиклар урнатиладиганда, бинонинг ҳажми ҳар бир бинолар учун алоҳида ҳисобланади; ёнгинга қарши эшиклар бўлмаган ҳолда - бинонинг умумий ҳажми буйича ёки энг ҳавфли категорияси буйича ҳисобланади.

**6.7.** Хўжалик - ичимлик ёки хўжалик ёнгинга қарши сув узаткич тизимидаги гидростатик сув отилиб чиқиши энг паст жойлашган санитария-техника асбоби белгисида 60 м дан ошмаслиги шарт.

Алоҳида ёнгинга қарши сув узаткич тизимидаги гидростатик сув отилиб чиқиши энг пастда жойлашган ёнгин крани белгисида 90 м дан ошмаслиги шарт.

*Эслатмалар: 1. Хўжалик-ёнгинга қарши сув узаткич тизимида ёнгинни учиритиш вақтида сув отилиб чиқишини энг пастда жойлашган санитария-техника асбоби белгисидан кўпидан 90 м гача оширишга руҳсат этилади, бунда тизимнинг гидравлик синовини сув*

тақсимлаш *арматураси ўрнатилган ҳолдагина ўтказиш лозим.*

2. Ёнгин кранларидаги сув отилиб чиқиши 40 м дан ортиқ бўлганда, ёнгин крани ва улаиш боши уртасига ортиқча сув отилиб чиқишини пасайтирувчи диафрагма ўрнатишни кўзда тутиш лозим. Тешигининг диаметри бир хил бўлган диафрагмаларни бинонинг 3-4 қаватига ўрнатишга рухсат берилади (4 - сон тавсияли Иловадаги номограммага қар.).

6.8. Ички ёнгин кранларидаги эркин сув отилиб чиқишлари, бинонинг энг юқори ва узоқ жойлашган қисмида сутканинг исталган вақтида ёнгинни ўчириш учун зарур бўлган баландлиқдаги ихчам ёнгин оқимини олишни таъминлашни шарт. Ёнгин оқими ихчам қисмининг таъсир радиуси ва энг кичик баландлигини, полдан ёпманинг энг баланд нуқтасигача ҳисоблаб, хонанинг баландлигига тенг деб, аммо қўйидагилардан кам бўлмаганда:

баланси 50 м гача бўлган саноат корхоналарининг турар жой, жамоат, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларида - 6 м дан;

баланси 50 м дан ортиқ бўлган турар жой биноларида - 8 м дан;

баланси 50 м бўлган саноат, корхоналарининг жамоат, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларида - 16 м дан ...

... қабул қилиш лозим.

*Эслатмалар: 1. Ёнгин кранларидаги сув отилиб чиқишининг узунлиги 10; 15 ёки 20 м бўлган ёнгин шлангларида сув отилиб чиқиши йўқолишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим. Резиналанмаган шлангларда сув отилиб чиқишининг йўқолишини  $H_{пр,м}$ , қўйидаги формуладан аниқлаш тавсия этилади:*

$$H_{пр} = K_p \cdot q^2 \cdot l \quad (14)$$

бу ерда,  $q$  - ёнгин оқимининг унумлилиги, л/с

$K_p$  - шлангларнинг қаршилик коэффиценти, диаметри 50 мм бўлган шланглар учун - 0,012, диаметри 65 мм бўлган шланглар учун - 0,00385 га тенг олинади.

2. Сув сарфи 4 л/с гача бўлган ёнгин оқимини олиш учун диаметри 50 мм бўлган шлангларини ва ёнгин кранларини қўллаш, унумлилиги катта бўлган ёнгин оқимини олиш учун диаметри 65 мм қўллаш лозим. Унумлилиги 4 л/с дан ортиқ бўлса, 50 мм диаметрга эга ёнгин кранларини қўллашга тавсия этилади.

6.9. Бинонинг сув отилиб чиқиш бакларининг жойлашиши ва ситими, бак остида бевосита жойлашган қаватда еки юқори қаватда баландлиги 4 м дан кам бўлмаган ихчам оқимиши сутканинг исталган вақтида ва қолган қаватларда - 6 м дан кам бўлмаган ихчам оқимини олишни таъминлашни шарт; бунда оқимлар сонини қўйидагича: оқимнинг умумий ҳисобий сони икки ва ундан ортиқ бўлганда 10 мин (дақиқа) ичида ҳар бирининг унумлилиги 2,5 л/с бўлган икки қолган ҳолларда - бир деб қабул қилиш лозим.

Ёнгин кранларида ёнгин насосларининг масофадан туриб ишга тушириш тугмасини ўрнатишда сув отилиб чиқиш бакларини кўзда тутмасликка рухсат этилади.

6.10. Ёнгин кранларининг ишлаш вақтини 3 соат деб қабул қилиш лозим. Автоматик равишда ўт ўчириш тизимларида ёнгин кранлари ўрнатишда, уларнинг иш вақтини автоматик ўт ўчириш тизимларининг ишлаш вақтига тенг деб қабул қилиш лозим.

6.11. Хужалик-ёнгинга қарши водопроводнинг бирлашган тизимидаги баландлиги 6 қават ва ундан ортиқ бўлган биноларда ёнгин стоякларини тепа қисмидан ҳалқалаш лозим. Бунда биноларда сув



| Биноларнинг ўтга чидамлилиқ даражаси | Ўнгин хавфи бўйича бинолар категорияси | Баландлиги 50 м гача ва ҳажми минг метр булган ишлаб чиқариш ва оғирхона биноларида ички ўт учирлишга оқимлар сони ва минимал сув сарфи, бир оқимга л/с |                    |                      |                       |                       |
|--------------------------------------|--|---|--------------------|----------------------|-----------------------|-----------------------|
|                                      |  | 0,5 дан 5 гача  | 5 дан орт. 50 гача | 50 дан орт. 200 гача | 200 дан орт. 400 гача | 400 дан орт. 800 гача |
| I ва II                              | A, B, B                                | 2 . 2,5   | 2 . 5              | 2 . 5                | 3 . 5                 | 4 . 5                 |
| III                                  | B                                      | 2 . 2,5   | 2 . 5              | 2 . 5                | -                     | -                     |
| III                                  | Г, Д                                   | -   | 2 . 2,5            | 2 . 2,5              | -                     | -                     |
| IV ва V                              | B                                      | 2 . 2,5   | 2 . 5              | -                    | -                     | -                     |
| IV ва V                              | Г, Д                                   | -   | 2 . 2,5            | -                    | -                     | -                     |

*Эслатмалар: 1. Кир ювиш фабрикалари учун ўт учирлиш мосламалари қуруқ кийим-кечаклар сақланадиган ва ишлов бериладиган хоналарда бўлишини кўзда тутиш лозим.*

*2. Ҳажми 2- жадвалда курсатилган катталиқлардан юқори бўлган хоналарда ва биноларда ички ўт учирлишга сув сарфини ҳар бир аниқ ҳол учун ўнгин назоратининг республика органлари билан келишиш лозим.*

*3. Ўтга чидамлилиқ даражаси қуйидагича булган бинолар учун оқимли сув сарфи ва оқим миқдори :*

*IIIб - каркасли конструкция афзал булган бинолар. Каркас элементлари бир бутун ёки елимланган ёғочдан ва ўтдан муҳофазаловчи ишлов берилган тўсиқ конструкцияларининг бошқа ёнувчи материаллари (бунда ёғоч материалли афзалдир); IIIа - қийин ёнувчи иситкичли ёнмайдиган листли материалдан тайёрланган тўсиқ конструкциялари ва муҳофазаланмаганлиги афзал булган металл каркасли бинолар; IVа - металл муҳофазаланмаган каркасли бир қаватлиги афзал булган ва ёнувчи иситкичли листли ёнмайдиган материалдан иборат булган тўсиқ конструкцияли бинолар учун, 6.3 банд талабларини ҳисобга олиб, ўтга чидамлилиқ даражаси II ва IV бўлган бинолар каби, уларда ишлаб чиқариш категорияларини жойлаштиришга боғлиқ ҳолда курсатилган жадвал бўйича қабул қилинади (бунда ўтга чидамлилиқ даражаси IIIа II га, IIIб ва IVа IV га тенглаштирилади).*



алмашишини таъминлаш учун ённингга қарши стоякларни битта ёки беркитиш арматураси қурилмасига эга бир нечта сув тақсимлаш стояклари билан қалқалашни кўзда тутиш зарур.

Ённингга қарши сув узатиқчининг алоҳида тизимининг стоякларини улагичларлар ёрдамида тизимларни улаш имконияти бўлган шартда, бошқа сув узатиқ тизимлари билан улашга рухсат этилади.

Иситилмайдиган биноларда жойлашган, ённингга қарши қуруқ қувурли тизимларда беркитиш арматурасини бинога киришдаги қудуқларда ёки иситиладиган хоналарда жойлаштириш лозим. Қуруқ қувур тизими бошида ва энг паст қисмида қуруқ қувурларни бўшатиш учун тукиш қурилмаларини ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

**6.12.** Бинодаги ённинг кранлари ва ённинг стоякларининг сонини ҳамда уларнинг жойлашиш ўринларини аниқлашда қуйдагиларни ҳисобга олиш зарур:

оқимларнинг ҳисобий сони камида уч бўлган ишлаб чиқариш ва жамоат биноларида, турар жой биноларида эса камида икки бўлганда, стоякларда жуфтланган ённинг кранларини ўрнатишга рухсат этилади;

оқимларнинг ҳисобий сони икки, коридорларининг узунлиги 10 м гача бўлган турар жой биноларида хонанинг ҳар бир нуқтасини битта ённинг стоякидан бериладиган икки оқим билан сугоришга рухсат этилади;

коридорларининг узунлиги 10 м дан ортиқ турар жой биноларида, шунингдек, ишлаб чиқариш ва жамоат биноларида оқимларнинг ҳисобий сони икки ва ундан ортиқ бўлганда хонанинг ҳар бир нуқтасини икки оқим билан иккита қўшни стояклардан (турли ённинг

шкафларидаги) биттадан оқим билан сугориш лозим.

*Эслатмалар:* 1. Ённинг кранлари, техник қаватларда, чордоқларда ва тех. яширин жойларда, уларда ёнмайдиган материаллар ва конструкциялар бўлган ҳолда ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

2. Ҳар бир стояқдан бериладиган оқимлар сонини қўшда икки қабул қилиш лозим.

3. Оқимлар сони тўрт ва ундан ортиқ бўлганда, умумий талаб этиладиган сув сарфини олиш учун қўшни қаватлардаги ённинг кранларидан фойдаланишга рухсат этилади.

**6.13.** Ённинг кранларини хонадаги полдан 1,35 м балангликда ўрнатиш ва шамоллатиш учун, пломбалашга мулжалланган ҳолда очмай туриб кўз қири билан қарашга мосланган тирқиши бўлган шкафчаларда жойлаштириш лозим. Жуфтлашган ённинг кранларини бир-бирининг устига ўрнатишга рухсат этилади, бунда иккинчи кран полдан 1 м балангликда ўрнатилади.

**6.14.** Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш, жамоат, маъмурий ва маиший биноларидаги ённинг шкафларида иккита қўл ўт учиргичини жойлаштириш имкониятини кўзда тутиш лозим.

Ҳар бир ённинг крани ённинг устуни ва кран диаметри билан бир хил бўлган 10, 15 ёки 20 м узунликка эга ённинг ўт учиритиш шланги билан таъминланган бўлиши шарт.

Ённингга қарши деворлар билан ажратилган бино ёки бино қисмларида пуркагич, устунлар ва бир хил диаметрли ённинг кранлари ва бир хил узунликка эга ённинг ўт учиритиш шлангларини қўллаш лозим.

**6.15.** Баланглиги 17 қаватли ва ундан ортиқ бўлган бинонинг ҳар бир зонасидаги ённингга қарши водопроводнинг ички тармоқлари, бинода ташқаридан бошқариладиган сурма зулфин ва тескари клапанни ўрнатиш билан ённинг автомаши-

| Хопанинг ёки оқимнинг ихчам қисмининг баландлиги, м | Ёнги оқимнинг унуми л/с | Шланг узунлиги, м булгап ўт учирип қрани енидаги сувнинг сиқуви, м |    |    | Ёнги оқимнинг унуми л/с | Шланг узунлиги, м булгап ўт учирип қрани енидаги сувнинг сиқуви, м |    |    | Ёнги оқимнинг унуми л/с | Шланг узунлиги, м булгап ўт учирип қрани енидаги сувнинг сиқуви, м |    |    |
|---|-------------------------|--|----|----|-------------------------|--|----|----|-------------------------|--|----|----|
|   |                         | 10   | 15 | 20 |                         | 10   | 15 | 20 |                         | 10   | 15 | 20 |
|   |                         | Ёнги устуни учининг цуркалищ диаметри, мм                          |    |    |                         |  |    |    |                         |  |    |    |
|   |                         | 13   |    |    | 16                      |  |    | 19 |                         |  |    |    |

*d = 50 мм ёнги кранлари*

|    |     |      |      |      |     |      |      |      |     |      |      |      |
|----|-----|------|------|------|-----|------|------|------|-----|------|------|------|
| 6  | -   | -    | -    | -    | 2,6 | 9,2  | 9,6  | 10   | 3,4 | 8,8  | 9,6  | 10,4 |
| 8  | -   | -    | -    | -    | 2,9 | 12   | 12,5 | 13   | 4,1 | 12,9 | 13,8 | 14,8 |
| 10 | -   | -    | -    | -    | 3,3 | 15,1 | 15,7 | 16,4 | 4,6 | 16   | 17,3 | 18,5 |
| 12 | 2,6 | 20,2 | 20,6 | 21   | 3,7 | 19,2 | 19,6 | 21   | 5,2 | 20,6 | 22,3 | 24   |
| 14 | 2,8 | 23,6 | 24,1 | 24,5 | 4,2 | 24,8 | 25,5 | 26,3 | -   | -    | -    | -    |
| 16 | 3,2 | 31,6 | 32,2 | 32,8 | 4,6 | 29,3 | 30   | 31,8 | -   | -    | -    | -    |
| 18 | 3,6 | 39   | 39,8 | 40,6 | 5,1 | 36   | 38   | 40   | -   | -    | -    | -    |

*d = 65 мм ёнги кранлари*

|    |     |      |      |      |     |      |      |      |     |      |      |      |
|----|-----|------|------|------|-----|------|------|------|-----|------|------|------|
| 6  | -   | -    | -    | -    | 2,6 | 8,8  | 8,9  | 9    | 3,4 | 7,8  | 8    | 8,3  |
| 8  | -   | -    | -    | -    | 2,9 | 11   | 11,2 | 11,4 | 4,1 | 11,4 | 11,7 | 12,1 |
| 10 | -   | -    | -    | -    | 3,3 | 14   | 14,3 | 14,6 | 4,6 | 14,3 | 14,7 | 15,1 |
| 12 | 2,6 | 19,8 | 19,9 | 20,1 | 3,7 | 18   | 18,3 | 18,6 | 5,2 | 18,2 | 19   | 19,9 |
| 14 | 2,8 | 23   | 23,1 | 23,3 | 4,2 | 23   | 23,3 | 23,5 | 5,7 | 21,8 | 22,4 | 23   |
| 16 | 3,2 | 31   | 31,3 | 31,5 | 4,6 | 27,6 | 28   | 28,4 | 6,3 | 26,6 | 27,3 | 28   |
| 18 | 3,6 | 38   | 38,3 | 38,5 | 5,1 | 33,8 | 34,2 | 34,6 | 7   | 32,9 | 33,8 | 34,8 |
| 20 | 4   | 46,4 | 46,7 | 47   | 5,6 | 41,2 | 41,8 | 42,4 | 7,5 | 37,2 | 38,5 | 39,7 |

наларининг ўт ўчириш планларини улаш учун диаметри 80 мм булган уланувчи бошли иккита ташқарига чиқарилган ёнгин патрубкасига эга бўлиши шарт.

**6.16.** Ёнгин кранларини, кўпинча киришларда, иситиладиган (тутун булмайдиганлардан ташқари) зинапоя катаклари майдончаларида, вестибюлларда, коридорларда, утиш жойларида ва бошқа фойдаланишга қулай булган жойларда урнатиш лозим, бунда уларнинг жойлашган ўрни одамлар эвакуациясига ҳалақит бермаслиги шарт.

**6.17.** Автоматик ўт ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган хоналарда ички ёнгин кранларини бошқариш узелларидан сунг сувли спринклерли тармоқда жойлаштиришга рухсат этилади.

## 7. СОВУҚ СУВ ВОДОПРОВОДИ ТАРМОҒИНИНГ ҲИСОБИ

**7.1.** Совуқ сувнинг ички узаттич тармоқларининг гидравлик ҳисобини сувнинг максимал секундли сарфи бўйича амалга ошириш зарур.

**7.2.** Бирлашган хўжалик-ёнгинга қарши ва ишлаб чиқариш ёнгинга қарши водопроводлар тармоқлари, хўжалик - ичимлик ва ишлаб чиқариш талабларига унинг энг кўп сарфида ўт ўчиришга сувнинг ҳисобий сарфининг қолишига текширилиши шарт, бунда сувнинг душларда фойдаланишга, полларни ювишга, территорияларга сув сепишга сарфи ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, сув узаттич тармоғи участкаларини, стоякларини ва жиҳозларни ўчиришни (резерв-лашни) ҳисобга олиш талаб этилмайди.

*Эслатма:* Турар жой қурилиш районлари учун ўт ўчириш ва ташқи сув узаттич тармоғидаги аварияни бартараф этиш вақтида иссиқ сув таъминотининг ёпиқ тизимга сув

узатишни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

**7.3.** Хўжалик - ичимлик, ишлаб-чиқариш ва ёнгинга қарши сув узаттич тармоқларини ҳисоблашда, 2-сон мажбурий иловада кўрсатилган асбобларда ва 7.5.б. ни ҳисобга олган ҳолда, киришдан анча узоқда булган ва энг баландда жойлашган ёнгин кранларида зарур сув отилиб чиқишини таъминлаш лозим.

**7.4.** Бир нечта киришлардан истеъмол қиладиган сув узаттич тармоқларининг гидравлик ҳисобини, улардан бирини ўчиришни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

Икки киришдан ҳар бири 100 фоизга, киришлар сони кўп булганда - сув сарфи 50 фоизга ҳисобланган бўлиши шарт.

**7.5.** Ички сув узаттич тармоқлари қувурларининг диаметрларини ташқи сув узаттич тармоғидаги кафолатланган сув отилиб чиқишининг энг кўп фойдаланиш ҳисобидан белгилаш лозим.

Ҳалқаланувчи улагичларнинг қувур узаттичлари диаметрларини сув тақсимлагич стоякининг камида энг катта диаметрини қабул қилиш лозим.

**7.6.** Ички сув узаттич тармоқлари қувур узаттичларидаги сув ҳаракатининг тезлиги, шу қаторда ўт ўчиришида, 3 м/с дан, спринклерли ва дренчерли тизимларда - 10 м/с дан ошмаслиги шарт.

Секцияли узеллардаги сув тақсимлаш стояклари қувур узаттичларининг диаметрларини 3.3.б.га мувофиқ аниқланган, 0,7 коэффициент билан стоякдаги сувнинг ҳисобий сарфи бўйича танлаш лозим.

**7.7.** Совуқ сув таъминоти тизимлари қувур узаттич участкаларида сув отилиб чиқишининг йўқолиши Н, м, ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:





$$H = H(1 + k_i) \quad (15)$$

$k_i$  нинг қийматларини қуйдагича:

0,3 - турар жой ва жамоат биноларининг хўжалик - ичимлик сув узатгичлари тармоқларида;

0,2 - турар жой ва жамоат биноларининг бирлашган хўжалик - ёнтинга қарши сув узатгич тармоқларида, шунингдек ишлаб чиқариш сув узатгич тармоқларида;

0,15 - бирлашган ишлаб чиқариш ва ёнтинга қарши сув узатгич тармоқларида;

0,1 - ёнтинга қарши сув узатгич тармоқларида.....

... қабул қилиш лозим.

**7.8.** Стоякларни секцияли тугунларга бирлаштирилганда тугундаги сувнинг отилиб чиқишининг йўқолишини қуйдаги формула буйича аниқлаш лозим

$$H = \frac{f \sum l (1 + k_i)}{m} \quad (16)$$

$m$  - тугундаги стояклар сони;

$f$  - тизимдаги сувнинг тақсимланиш тавсифини ҳисобга олувчи ва қуйдагича қабул қилинувчи коэффициент:

0,5 - хўжалик сув ўтказгич тизимлари учун;

0,3 - хўжалик ёнтинга қарши сув ўтказгич тизимлари учун.

## 8. ИССИҚ СУВ ВОДОПРОВОДИ ТАРМОҒИНИНГ ҲИСОБИ

**8.1.** Иссиқ сув таъминоти тизимининг гидравлик ҳисобини циркуляция сарфини ҳисобга олган ҳолда қуйдаги формула буйича аниқланадиган иссиқ сувнинг  $q^{h, \text{сир}}$ , л/соат ҳисобий сарфига мувофиқ ҳисоблаш лозим

$$q^{h, \text{сир}} = q^h (1 + k_{\text{сир}}) \quad (17)$$

бу ерда  $k_{\text{сир}}$  - коэффициент, сув иситкичлари ва тизимларининг бошланғич участкалари биринчи сув тақсимлагич стояклари учун 5-сон мажбурий Илова буйича; тармоқнинг қолган участкалари учун эса - 0 га тенг деб қабул қилинади.

**8.2.** Тизимдаги иссиқ сувнинг циркуляцияли сарфи  $q^{\text{сир}}$  ни, л/соат, қуйдаги формула буйича аниқлаш лозим

$$q^{\text{сир}} = \beta \sum \frac{Q^{\text{ht}}}{4,2 \Delta t} \quad (18)$$

$Q^{\text{ht}}$  - иссиқ сув таъминоти қувур узаткичларнинг иссиқлик йўқотиши, кВт;

$\Delta t$  - сув иситкичидан энг узоқ сув тақсимш нуқтасигача бўлган узатувчи қувур узатгичлар тизимларидаги ҳароратлар фарқи,  $^{\circ}\text{C}$ ;

$\beta$  - циркуляцияни тартибсизлаштириш коэффициенти.

$Q^{\text{ht}}$  қийматларини  $\beta$  га боғлиқ иссиқ сув таъминоти схемасидан қуйдагича қабул қилиш лозим:

сув тақсимлаш стояклари буйича сувнинг циркуляцияси кузда тутилмаган тизимлар учун,  $Q^{\text{ht}}$  катталигини  $\Delta t = 10^{\circ}\text{C}$  ва  $\beta = 1$  бўлганда, узатиш ва тақсимлаш қувур узатгичлари буйича аниқлаш лозим;

циркуляцияли стоякларнинг ўзгарувчан қаршилиги бўлган сув тақсимлаш стояклари буйича сув циркуляцияси кузда тутилган тизимларда,  $Q^{\text{ht}}$  катталигини узатувчи тақсимлаш қувур узатгичлари ва тақсимлаш стояклари буйича  $\Delta t = 10^{\circ}\text{C}$  ва  $\beta = 1$  бўлганда аниқлаш лозим;

секцияли узеллар ва стоякларнинг бир хил қаршилиқларида  $Q^{\text{ht}}$  катталигини  $\Delta t = 8,5^{\circ}\text{C}$  и  $\beta = 1,3$



бўлганда сув тақсимлаш стояклари бўйича аниқлаш лозим;

сув тақсимлаш стояки ёки секцияли узеллар учун иссиқлик йўқолиши  $Q^m$  ни,  $\Delta t = 8,5^\circ\text{C}$  ва  $\beta = 1$  деб қабул қилиб, бунда ҳалқаловчи улагични киритиб, узатиш қувур узатгичи бўйича аниқлаш лозим.

**8.3.** Иссиқ сув таъминоти тизимларининг қувур узатгичи участкаларидаги сув отилиб чиқишининг йўқолишини қуйидагича аниқлаш лозим:

қувурларнинг говаб кетиши ҳисобга олинмайдиган тизимлар учун - 7,7 б га мувофиқ;

қувурларнинг говаб кетиши ҳисобга олинмайдиган тизимлар учун - қуйидаги формула бўйича:

$$N = i | (1 + k_i) |, \quad (19)$$

бу ерда  $i$  - 6- сон тавсияли Иловага мувофиқ қабул қилинадиган, сув отилиб чиқишининг солиштирма йўқолиши:

$k_1$  - маҳаллий қаршиликларда сув отилиб чиқишининг йўқолишини ҳисобга олувчи коэффициент булиб, унинг қийматларини қуйидагича:

0,2 - узатувчи ва циркуляцияли тақсимлаш қувур узатгичлари учун;

0,5 - иссиқлик пунктлари чегарасидаги қувур узатгичлари учун, шунингдек, сочиқ қуритгичларига эга сув тақсимлаш стоякларининг қувур узатгичлари учун;

0,1 - сочиқ қуритгичи ва циркуляцияли стояклари бўлмаган сув тақсимлаш стоякларининг қувур узатгичлари учун.....

..... қабул қилиш лозим.

**8.4.** Сув ҳаракатининг тезлигини 7,6 б га мувофиқ қабул қилиш лозим.

**8.5.** Узатиш ва циркуляцияли қувур узатгичларда сув иситкичлардан тизимнинг ҳар бир тармоғидаги энг узоқда жойлашган сув тақсимлаш

ёки циркуляцияли стоякларигача бўлган сув отилиб чиқишининг йўқолиши турли тармоқлар учун кўшида 10 фоизга фарқланмаслиги шарт.

**8.6.** Иссиқ сув таъминоти тизимлари қувур узатгичлари тармоғида сув отилиб чиқишида йўқолишини қувурлар учун мос диаметрларни танлаш йўли билан боғлаш имконияти бўлмаганда, ҳароратни тартибга солиш (келтиригич) ёки тизимнинг циркуляцияли қувур узатгичида диафрагмаларни ўрнатишни кузда тутиш лозим.

Диафрагма диаметрини 10 мм дан кам қабул қилмаслик лозим. Агар ҳисоб бўйича диафрагмаларнинг диаметрини 10 мм дан кам қабул қилиш зарур бўлса, у ҳолда диафрагма ўрнига босимни сошлаш учун кранларни ўрнатишни кузда тутишга рухсат этилади.

Созлаш диафрагмалар тешигининг диаметри  $d_s$  ни қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$d_s = 20 \sqrt{0.0316 \sqrt{N_{\text{т}} + 350} \frac{q}{d^2}}. \quad (20)$$

ёки 4-сон тавсияли Иловадаги 6- номограмма бўйича.....

..... аниқлаш тавсия этилади.

**8.7.** Бир хил қаршиликка эга секцияли узеллар ёки стояклар тизимида циркуляцияли сарфларда биринчи ва охириги стояклар ўртасидаги чегарада узатиш ва циркуляцияли қувур узатгичларда йингили сув отилиб чиқиши йўқолиши секцияли узелда ёки стояқдаги, циркуляцияни тартибсизлантирилиши  $\beta = 1,3$  бўлганда, сув отилиб чиқиши йўқолишидан 1,6 марта ошиши шарт.

Циркуляцияли стоякларнинг қувур узатгичлари диаметрларини, 8,2 б га мувофиқ аниқланган стоякларда ёки секцияли узеллардаги циркуляцияли сарфларда, тақсимловчи узатиш ва йиғма циркуляцияли қувур узатгичларга уланган нуқталар орасидаги сув отилиб чиқишининг йўқолиши 10 фоиздан кўпга фарқланмайдиган шарт бажарилганда, 7.6.б. талабларига мувофиқ аниқлаш лозим.

8.8. Ёпиқ иссиқлик тармоқларига уланган иссиқ сув таъминоти тизимларида, ҳисобий циркуляцияли сарфда, секцияли узелларда сув отилиб чиқишининг йўқолишини 3-6 м қабул қилиш лозим.

8.9. Иссиқлик тармоғининг қувур узатгичидан бевосита сув тақсимланишга эга иссиқ сув таъминоти тизимларидаги қувур узатгич тармоғидаги сув отилиб чиқишининг йўқолишини иссиқлик тармоғининг тескари қувур узатгичидаги энг кам кафолатланган сув отилиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

Тизим қувур узатгичларининг циркуляцияли ҳалқасидаги сув отилиб чиқишининг йўқолиши циркуляцияли сарфда, одатда, 2 м дан ошмаслиги шарт.

8.10. Душхоналарда душ сеткаларининг (турлари) сони учдан ортиқ бўлганда, одатда, тақсимлаш қувур узатгичини ҳалқаланган бўлишини кўзда тутиш лозим.

Иссиқ сувнинг бир томонлама узатилишини коллекторли тақсимланишда кўзда тутишга руҳсат этилади.

8.11. Иссиқ сув таъминоти тизимларини зоналаштирилганда, юқори зонада кечаси табиий циркуляцияни ташкил қилиш имкониятини кўзда тутишга руҳсат этилади.

## 9. ИЧКИ ВОДОПРОВОД ТАРМОҒИ СОВУҚ СУВ ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИ

9.1. Совуқ сувнинг ички сув узатгич тизимларини қуйидагича:

агар сув узатишда узилишга йўл қўйилса ва ёнгин кранларининг сони 12 гача бўлса, у ҳолда, боши берк деб; узлуксиз сув узатилишини таъминлаш учун ҳар бирдан истеъмолчигача тармоқланишли иккита боши берк қувур узатгичларда ҳалқаланган ёки киришлари ҳалқаланган деб ...

... қабул қилиш лозим.

Ҳалқаланган тармоқлар ташқи ҳалқаланган тармоққа камда иккита кириш билан уланган бўлиши шарт.

Бир киришни, одатда, шахсий турар жой уйлари учун, шунингдек, турар жой биноларининг куп қаватли квартиралари учун хонадонларда сув сарфи ҳисоблагичларини ўрнатишда кўзда тутиш лозим.

Икки ва ундан ортиқ киришни қуйидагилар учун:

12 дан ортиқ ёнгин кранлари ўрнатилган бинолар учун;

квартиралар сони 400 дан ортиқ бўлган турар жой бинолари, эстрадали клублар, 300 дан ортиқ уринга эга кинотеатрлар учун;

уринлари сонидан қатъий назар, саҳнали клублар ва театрлар учун;

бошқариш узеллари сони учдан ортиқ бўлган спринклерли ва дренчерли тизимлар билан жиҳозланган бинолар учун;

уринлар сони 200 ва ундан ортиқ бўлган ҳаммомлар учун;

бир сменада 2 т ва ундан ортиқ кир туғри келадиган кирхоналар учун ...

... кўзда тутиш лозим.

9.2. Икки ва ундан ортиқ киришларни жойлаштиришда, уларни, одатда, сув узатгичнинг ташқи ҳалқаланган тармоғининг

турли участкаларига улашни кўзда тутиш лозим. Ташқи тармоқда бинога киришлар ўртасига сурма зулфин ёки тармоқ участкаларидан бирида авария вақтида бинога сув узатишни таъминлаш учун вентиляр ўрнатиш лозим.

9.3. Сув узатгичнинг ички тармоғидаги босимни ошириш учун бинода насослар ўрнатиш зарур бўлганда, киришлар, ҳар бир насос билан исталган киришдан сув узатишни таъминлаш учун улаш қувур узатгичида сурма зулфин ўрнатилган насослар олдида бирлаштирилган булиши шарт.

Ҳар бир киришда мустақил насослар қурилмаларини ўрнатишда, киришларни бирлаштириш талаб этилмайди.

9.4. Сув узатгич киришларида, агар ички сув узатгич тармоғида улчаш асбобларига эга ва бино ичида қувур узатгичлар билан ўзаро уланган бир неча киришлар ўрнатилса, у ҳолда тескари клапанларни ўрнатишни кўзда тутиш зарур.

9.5. Хўжалик - ичимлик сув узатгичи киришлари ва тарнов ҳамда канализацияга чиқишлар ўртасидаги ёриқда горизонтал бўйича масофа, кириш диаметри 200 мм гача бўлганда 1,5 м дан кам бўлмаслиги ва кириш диаметри 200 мм дан ортиқ бўлганда 3 м дан кам бўлмаслиги шарт.

Турли мақсадларга мулжалланган сув узатгичнинг киришларини қўшиб ўтказишга рухсат этилади.

9.6. Қувур узатгичларнинг киришларида, вертикал ёки горизонтал текисликларнинг бурилиш жойларида, қачонки, ҳосил буладиган зўриқишларнинг қувурлар умумини орқали қабул қилиниши мумкин бўлмаса, у ҳолда таянчларни кўзда тутиш лозим.

9.7. Пол ости деворлари билан киришнинг кесилиш жойларини

қуруқ типроқларда сув ўтмайдиган ва газ ўтмайдиган (газлаштирилган районларда) эластик материаллар билан, хўл типроқларда - сальниклар ўрнатиб, девордаги тешикларни беркитиш билан қувур узатгич ва қурилиш конструкциялари орасидаги 0,2 м ли бушлиқ билан бажариш лозим.

9.8. Турар жой ва жамоат биноларида, қишда ҳаво ҳарорати 2°С дан юқори бўлган хоналарда, пол остида, ертўлаларда, техник қаватларда ва чордоқларда, шунингдек, бинонинг конструкциялари бўйича, агар уларда қувур узатгичлар очик ҳолда ёки юқори қаватнинг шифти остидан ўтказишга рухсат этилган бўлса, ички сув узатгичнинг ажратувчи тармоқларини ўтказишни кўзда тутиш лозим.

Ички сув узатгичда стояклар ва алмаштиргичларни ўтказишни шахталарда, очик ҳолда - душхоналар, ошхоналар деворлари бўйича ва бошқа хоналарда кўзда тутиш лозим.

Қувур узатгичларни очик ўтказиш, безаш ишларига кучайтирилган талаблар қўйилган хоналарда ва қувурлари (санитария узелларида жойлашганлардан ташқари) пластмассадан бўлган барча тизимлар учун кўзда тутиш тавсия этилади.

Туташ уланишларга рухсат бўлмаган, деворий сув тақсимлаш арматурасини қўпиш учун бурчаклардан ташқари уймада уланадиган пулат ва пластмасса қувур узатгичларни очик ўтказишга рухсат этилмайди.

*Эслатмалар:* 1. *Деворлардаги буришган жойларни тур бўйича суваш ёки қопламалаш йўли билан текислаш лозим, арматура ўрнатилган жойларда эшикчалар булишини кўзда тутиш лозим.*

2. *Турар жой биноларида сув тақсимлагич арматурасини эгилувчан пластмассали автоном келтиргичлар*



*билан қушһлишга эга коллекторлар тизимини қуллашга рухсат этилади.*

9.9. Ишлаб чиқариш бинолари ичида сув узатгич тармоқларининг одатда, очиқ курунишда -фермалар, колонналар, деворлар ва ёпмалар тагидан ўтказишни кўзда тутиш лозим. Очиқ ўтказиш имконияти булмаганда, сув узатгичли тармоқларни, бошқа қувур узатгичлар билан умумий каналларда, енгил алангаланувчи, ёнғувчи ёки заҳарли суюқлик ва газларни ташувчи қувур узатгичлардан ташқари, жойлаштиришни кўзда тутишга рухсат этилади. Хужалик-ичимлик сув узатгичларни канализацияли қувур узатгичлар билан биргаликда ўтказишни, фақатгина, утиш каналларида, кўзда тутишга рухсат этилади, бунда канализация қувур узатгичларни сув узатгичлардан пастда жойлаштириш лозим. Сув узатгичлар ўтказиш учун махсус каналларни, асосланганда ва фақат алоҳида махсус қоллардагина лойиҳалаштириш лозим. Технологик жиҳозларга сув келтирувчи сув узатгичларни подда ёки пол остида ўтказишга рухсат этилади.

Технологик жиҳозларга турли мақсадларга хизмат қиладиган қувур узатгичларни ўтказишда, сув узатгич ва канализация қувур узатгичларини жойлаштиришни лойиҳалашга берилган технологик вазифа бўйича аниқланади.

9.10. Иссиқ сув ёки буғни ташувчи қувур узатгичларни каналларда совуқ сув узатгич тармоғини бирга ўтказишда, уни ушбу қувур узатгичлардан, иссиқлик изоляцияси билан, пастда жойлаштириш шарт.

9.11. Қувур узатгичларни 0,002 дан кам булмаган қияликда ўтказишни кўзда тутиш лозим.

9.12. Каналларда, шахталарда, кабиналарда, тоннелларда, шунингдек, намлиги катта булган хоналарда

ўтказиладиган, ёнғин стоякларидан ташқари, қувур узатгичларни намлик конденсациясидан ажратиш лозим.

9.13. Ҳаво ҳарорати 2°С дан паст булган хоналарда қувур узатгичларни ўтказишда уларни яхлаб қолишидан асраш чораларини кўзда тутиш шарт.

Хонадаги ҳарорат қисқа вақтга 0°С гача пасайтириш имкониятида, шунингдек, ташқи совуқ ҳаво ( ташқи кириш эшиклари ва дарвозаларда) таъсири зонасида қувурларни ўтказишда, қувурларнинг иссиқлик изоляциясини кўзда тутиш лозим.

### ИССИҚ СУВ ИЧКИ ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИ

9.14. Иссиқ сув таъминоти тизимларини 9.1; 9.8 ва 9.9 бб. ларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

9.15. Ҳавони чиқариб юбориш учун қурилмаларни, иссиқ сув таъминоти тизимининг қувур узатгичларининг юқори нуқталарида бўлишини кўзда тутиш лозим. Қувур узатгич тизимидан ҳавони, шунингдек, тизимнинг юқори нуқталарида (юқори қаватларида жойлашган, сув тақсимлаш арматураси орқали чиқариб юборишни кўзда тутишга рухсат этилади.

Қувур узатгичлар тизимларининг пастки нуқталарида чиқариб юбориш қурилмаларини кўзда тутиш лозим.

*Эслатма. Қувур узатгич тизимларининг пастки нуқталарида сув тақсимлаш арматурасини ўрнатишда қўшимча чиқариб юбориш қурилмаларини кўзда тутмаслик лозим.*

9.16. Иссиқ сув таъминоти тизимларининг узатувчи ва циркуляцияли қувур узатгичлар учун сув тақсимлаш асбобларига келтиргичлардан ташқари, стоякларни киритган ҳолда, иссиқлик изоляциясини кўзда тутиш тавсия этилади.



9.17. Қувур узаттични лойиҳалашда магистрал қувур узаттич ва стоякларнинг ҳароратлари узайишини қоплаш имкониятини кўзда тутиш лозим.

Эпмалар кесилиш жойларидаги стоякларни ёнмайдиган материаллардан иборат бўлган гильзаларда ўтказиш лозим; гильзалар чети шифт юзаси билан бир хил сатҳда (балаңдликда) ва пол юзасидан 30 мм балаңда жойлашган бўлиши шарт.

## 10. ҚУВУР УЗАТГИЧЛАР ВА АРМАТУРА

10.1. Совуқ ва иссиқ сув узатувчи ички сув узаттичлар учун қувур узаттичлар, зичлаштирувчи қистирмалар ва арматуралар учун сальникли зичлаштиргичларни, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу мақсадлар учун рухсат этган материаллардан, шу қаторда, пластмассадан иборат бўлишини кўзда тутиш лозим.

10.2. Ёнгинга хавфлиги буйича А, Б ва В категорияли хоналарда ўтказиладиган, ёнмайдиган материаллардан бўлган қувур узаттичларни ёниб кетишдан ҳимоялаш лозим.

10.3. Хўжалик - ичимлик сув узаттич тизимлари учун қувур узаттич, сув тақсимлаш ва аралаштириш арматурасини 0,6 МПа (6 кгс/см<sup>2</sup>) ишчи босимга; алоҳида ёнгинга қарши тизимлар ва хўжалик ёнгинга қарши сув узаттич учун - 1,0 МПа (10 кгс/см<sup>2</sup>) дан кўп бўлмаган ишчи босимга; алоҳида ишлаб чиқариш тизимининг сув узаттичи учун арматурани - технологик талаблар буйича қабул қилинадиган ишчи босимга

... ўрнатиш лозим.

10.4. Сув тақсимлаш ва беркитиш арматураси конструкцияси сув оқимини силлиқ ёпилиши ва

очирилишни таъминлаши шарт. Сурма зулфинларни (ҳалқалар) диаметри 50 мм ва ортиқ бўлган қувурларда ўрнатиш зарур.

*Эслатмалар:* 1. *Вертикал буйича ҳалқаланган стоякларнинг юқори қисмида ва уларнинг бир-бирига туташтирадиган улагичларда пукакли сальникли кранларни ўрнатишга рухсат этилади.*

2. *Асосланганда, диаметри 50 ва 65 мм бўлган вентиллари қўллашга рухсат этилади.*

10.5. Ички сув узаттич тармоқларида беркитиш арматураларини ўрнатишни қуйидаги ҳолларда:

ҳар бир киритишда; алоҳида участкаларни (айрим ҳалқадан ошмаган ҳолда) таъмирлаш имкониятини таъминлаш учун ҳалқаланган тақсимловчи тармоқда;

сув узатишда йўл қўйиш мумкин бўлмаган, агрегатларга иккиёқлама сув берилишини таъминлаш ҳисобидан совуқ сувнинг ишлаб чиқариш сув узаттичининг ҳалқали тармоғида.

ёнгин кранлари сони 5 ва ортиқ бўлган ёнгин стояклари тубида;

балаңдиги 3 қават ва ундан ортиқ бўлган бинолардаги хўжалик-ичимлик ёки ишлаб чиқариш тармоғи стояклари тубида;

5 ва ундан ортиқ сув тақсимлаш нуқталарини таъминловчи тармоқланишларда;

сув узаттичнинг асосий тизимлардан тармоқланишларда;

ҳар бир хонадан ёки меҳмонхона номерига, ювиш учун хизмат қиладиган бачокларга келтиргичларга, ювиш кранларига ва сув исигувчи колонкаларга тармоқланишларда, гуруҳли душлар ва умивальникларга тармоқланишларда.

узатувчи ва циркуляцион стояклар тубида.

қувур узаттичнинг секцияли узелларга тармоқланишларида;

ташқи сув қуйиш кранлари олдида; зарур бўлган ҳолларда, асбоблар, аппаратлар ва махсус мақсадларга мўлжалланган (ишлаб чиқариш, даволаш, тажрибавий ва бошқа) агрегатлар олдида...

... кўзда тутиш лозим.

**Эслатмалар:** 1. Беркитиш арматурасини, вертикал бўйича ҳалқаланган стоякларнинг тепа қисмининг учларида ва тубида кўзда тутиш лозим.

2. Ҳалқаланган участкаларда, икки йўналишда сув утишини таъминлайдиган арматурани кўзда тутиш лозим.

3. Кечаси кўриш учун имконият бўлмаган бияо ичига қурилган дўконлардан, ошхоналардан ресторанлардан ва бошқа хоналардан ўтайдиган сув узатгич стоякларидаги беркитиш арматурасини, кириш учун доимо имконият бўлган, ертўлада, техникавий ер остида ёки техникавий қаватда ўрнатиш лозим.

4. Хонага тармоқланишда беркитиш арматурасини ўрнатишда, шу қаторда, коллекторли тизимда ювиш бачоклари олдида унинг ўрнатилишини кўзда тутмасликка рухсат этилади.

5. Киришда беркитиш арматурасини, агар у сув ўлчаш узелида бор бўлса, кўзда тутмасликка рухсат этилади.

6. Битта ёнгин стояки бўлган, баландлиги 7 қаватли ва ундан ортиқ турар жой ва жамоат биноларида стоякнинг ўрта қисмида таъмирлаш сурма зулфини кўзда тутиш зарур.

10.6. Диаметри 50 мм ва ортиқ бўлган сув узатгич арматурасини пойдан 1,6 м баландликдан юқорида жойлаштирилганда, унга хизмат кўрсатиш учун кўприкчалар ёки кучма майдончаларни кўзда тутиш лозим.

**Эслатма.** Диаметри 150 мм гача ва 3 м гача баландликда арматурани жойлаштиришда кучма мезана, нарвон ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинган шартда 60° дан кўп

бўлмаган *огнишда* шотидан *фойдаланишга рухсат этилади.*

10.7. Сув таъминоти тизимида ёки унинг қисмларида, тизимдаги сув сарфини ва киришдаги босимга боғлиқ бўлмаган ҳолда, берилган босимни автоматик равишда тутиб туриш зарурияти бўлганда, босим созлагичларини қўллаш лозим.

Босим созлагичларини қуйидаги ҳолларда ўрнатишни :

хўжалик-ичимлик сув узатгич тизимларининг биноларга ва микрорайонларга киришларида, қуйидаги ҳолларда, қачонки, киришдаги сув отилиб чиқиши 6.7 б да кўрсатилган катталиклардан ошмаган бўлса;

бир киришдан таъминланадиган, ёнгинга қарши ва хўжалик-ичимлик сув узатгичнинг алоҳида тармоқлари билан уланган хўжалик-ичимлик сув таъминоти тармоғига узатувчи қувур узатгичда ...

... кўзда тутиш лозим.

**Эслатмалар:** 1. Босим созлагичларини ўрнатиш, зарур бўлган ҳолларда алоҳида биноларга, хонадонлар гуруҳига ёки хонадонга киришларда созлагичларни ўрнатишни мустасно қилмайди.

2. Босим созлагичлари бўлмаган ҳолда, сув тақсимлаш арматураси олдида диафрагма ўрнатишга рухсат этилади. Диафрагмалар ҳисобини 8.6 б. га мувофиқ амалга ошириш лозим.

10.8. Сув таъминоти тизимларининг биноларга ва микрорайонларга киришларида босим созлагичларини, сув ўлчаш узели ёки хўжалик-ичимлик сув таъминоти насосларини ўчирувчи сурма зулфидан сунг ўрнатишни кўзда тутиш лозим, бунда босим созлагичдан сунг сурма зулфини ўрнатишни кўзда тутиш лозим. Босим созлагичнинг иши устидан назорат қилиш ва созлаш учун манометрлар ўрнатишга бўлиши шарт. Хонага киришда босим созлагичини ўрнатишни, киришда беркитиш арматурасидан сунг кўзда тутиш лозим.

10.9. Турар жой биноларидаги ахлат ташлаш камераларида иссиқ ва совуқ сувга уланган ювиш кранларини ўрнатиш лозим. Баланслиги 10 қаватли ва ундан ортиқ бўлган биноларда, ундан ташқари, спринклер ўрнатишни кузда тутиш лозим. Спринклерни учиритиш қўлда бошқариладиган беркитиш арматураси орқали амалга оширилади. Спринклернинг ишга тутиши ҳақида берилган сигналнинг чиқарилиши талаб этилмайди.

10.10. Иссиқ ва совуқ сувнинг ички сув узатгичини лойиҳалашда сув узатгич ва арматуранинг тебраниши ва шовқинига қарши чора-тадбирларни кузда тутиш лозим.

#### СОВУҚ СУВ УЧУН АРМАТУРА ВА ҚУВУР УЗАТГИЧЛАР

10.11. Совуқ сув узатувчи қувур узатгичлар учун қувурлар материални қуйидагича:

ичишга сифатли сув бериш учун 150 мм гача диаметрли рухланган пўлат қувурлардан ва катта диаметрларда ёки бошқа материаллардан, шу қаторда пластмассадан иборат - рухланмаган қувурлардан;

технологик талабларга зарур сувни бериш учун - сув сифатига, босимига ва металнинг тежалишига талабларни ҳисобга олган ҳолда ...

... кузда тутиш лозим.

Қувурларни пайвандаш билан гардишда резъба ёки елимда улашни кузда тутиш лозим.

Рухланган қувурларни пайвандашда рухли қопламани 94 фоиздан кам бўлмаган рух чангини ўз ичига олган буюқ билан қайта тиклашни кузда тутиш лозим.

*Эслатмалар: 1. Ички ёнғинга қарши сув узатгичнинг бирлашган ва алоҳида тизимлари учун пластмасса қувурларни, санитария - техника*

*асбобларига келтиришдан ташқари, шунингдек, уларни ярим утиш ва утиш каналлари ва тоннелларидаги электр кабеллари тагидан утказишга рухсат этилмайди.*

*2. Ётарли даражада асосланганда, рухланган қувурларни рухланмаган қувурлар билан алмаштиришга рухсат этилади.*

10.12. Асосланганда ёки лойиҳалашга берилган топшириқ бўйича ички сув узатгичда бино периметрининг ҳар бир 60-70 м га бино олдидаги поёндозда ёки бинонинг ташқи деворлари тагида жойлаштириладиган битадан сув қуйиш кранларини кузда тутиш лозим.

Сув қуйиш кранларини, одатда, махсус сув қуйишга мулжалланган сув узатгич тармоғига улаш лозим; сувдан фойдаланувчи маҳаллий ташкилот билан келишилган ҳолда, уларни ички сув узатгич тармоғига улашга рухсат этилади.

*Эслатма. Саноат корхоналари территориясида жойлашган бинолар учун сув қуйиш кранларини ўрнатишни, ободонлаштириш даражасига, яшил эканлар миқдорига ва бошқа маҳаллий шароитларга, шунингдек, сўғориш усулига боғлиқ ҳолда кузда тутиш лозим.*

10.13. Сув ичишга мулжалланган фонтанчалар ёки газли сув билан таъминлаш учун қурилмаларни, бинодаги ишчи ўринларидан 75 м дан кўп бўлмаган масофада жойлаштиришни кузда тутиш лозим. Асбоблар турлари ва уларни жойлаштириш ўринлари лойиҳалашнинг қурилиш қисми бўйича ўрнатилади.

10.14. Сув қуйиш кранларини ўрнатишни қуйидаги:

ифлосланган ишлаб чиқаришларнинг ички кийимлар гардеробларида; жамоат ҳожатхоналарида;



учта ва ундан ортиқ унитарли ҳожатхоналарда;

бешта ва ундан ортиқ юз-қул ювгичлар бўлган ювиниш хоналарида;

учта ва ундан ортиқ душларга эга ювиниш хоналарида;

полларни ҳулаб тозалаш зарурияти бўлган хоналарда ...

... кўзда тутиш лозим.

*Эслатма. Иссиқ сув таъминоти тизими билан жиҳозланган бинолар ва ийшоотлар учун сув қуйиш кранларига совуқ ва иссиқ сувни улашни кўзда тутиш лозим.*

### ИССИҚ СУВ УЧУН СУВ УЗАТГИЧЛАР ВА АРМАТУРА

10.15. Иссиқ сув таъминоти тизимлари сув узатгичлари, одатда, рухланган пулат қувурлардан ясалиши лозим.

Иссиқ сув таъминоти тизимлари сув узатгичлари учун диаметри 150 мм дан ортиқ бўлган рухланмаган пулат қувурларни ва иссиқ сув таъминотининг очиқ тизимларида (оддий ёки кучайтирилган) қувурларни ишлатишга рухсат этилади.

*Эслатма. Иссиққа чидамли пластмассадан ёки ички юзаси иссиққа чидамли материаллар билан қопланган пулат қувурларни қўллашга рухсат этилади.*

10.16. Иссиқ сув таъминоти тизимларида сув узатиш учун уларга алоҳида иссиқ ва совуқ сув келтирилган аралаштиргичларни ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

Иссиқ сув таъминоти тизимларида аралаштиргичларни ўрнатишни, агар сув тақсимлаш учун сув берилиши совуқ сув билан аралаштирилмай қабул қилинса, кўзда тутмасликка рухсат этилади.

10.17. Иссиқ сув таъминоти тизимларида тескари клапанларни ўрнатишда қуйидаги ҳолларда :

гуруҳли аралаштиргичларга сув берадиган қувурлар участкаларида;

сув иситкичларга улашдан аввал циркуляцион қувурларда;

иссиқлик тармогининг тескари қувурларида иссиқлик созлагичга тармоқланишларда;

бевосита сув тақсимлаш тизимларида иссиқлик тармоқлари қувурларидан иссиқлик тармогининг тескари қувурларига аввалдан уланадиган циркуляцион қувурда ...

... ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

10.18. Иссиқ сув таъминоти тизимларини лойиҳалашда, умумий мақсадларга мўлжалланган саноат қувурли арматурани қўллаш лозим. Диаметри 50 мм гача бўлган беркитиш арматурасини бронзани, латунни ёки иссиқликка бардошли пластмассалардан қўллаш лозим.

10.19. Иссиқ сув таъминоти тизими учун дросселланувчи диафрагмаларни полимер материаллардан, латундан ёки зангламайдиган пулатдан булишини кўзда тутиш лозим.

### 11. СУВ МИҚДОРИ ВА САРФИНИ ЎЛЧАШ УЧУН ҚУРИЛМАЛАР

11.1. Сувнинг миқдори ва сарфини ҳисобга олиш, бинога киришларида ёки тармоқлар шаҳобчаларида ўрнатиладиган иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичлари (сечтиклар) орқали амалга оширилишини кўзда тутиш лозим.

Бинога икки ва ундан ортиқ киришларни ўрнатишда, иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичларини биринчи тармоқланишгача (шаҳобчагача) ҳар бир киришда ўрнатиш лозим.

Бинолар гуруҳи учун сув сарфини ҳисобга олиш учун умумий ҳисоблагич ўрнатишга рухсат этилади.

10.9. Турар жой биноларидаги ахлат ташлаш камераларида иссиқ ва совуқ сувга уланган ювиш кранларини урнатиш лозим. Баландлиги 10 қаватли ва ундан ортиқ булган биноларда, ундан ташқари, спринклер урнатишни кузда тутиш лозим. Спринклерни учиритиш қўлда бошқариладиган беркитиш арматураси орқали амалга оширилади. Спринклернинг ишга тутиши ҳақида берилган сигналнинг чиқарилиши талаб этилмайди.

10.10. Иссиқ ва совуқ сувнинг ички сув узатгичини лойиҳалашда сув узатгич ва арматуранинг тебраниши ва шовқинига қарши чора-тадбирларни кузда тутиш лозим.

#### СОВУҚ СУВ УЧУН АРМАТУРА ВА ҚУВУР УЗАТГИЧЛАР

10.11. Совуқ сув узатувчи қувур узатгичлар учун қувурлар материални қуйидагича:

ичишга сифатли сув бериш учун 150 мм гача диаметрли рухланган пулаг қувурлардан ва катта диаметрларда ёки бошқа материаллардан, шу қаторда пластмассадан иборат - рухланмаган қувурлардан;

технологик талабларга зарур сувни бериш учун - сув сифатига, босимига ва металнинг тежалишига талабларни ҳисобга олган ҳолда ...

... кузда тутиш лозим.

Қувурларни пайвандлаш билан гардишда резьба ёки елимда улашни кузда тутиш лозим.

Рухланган қувурларни пайвандлашда рухли қопламани 94 фоиздан кам булмаган рух чангини ўз ичига олган буёқ билан қайта тиклашни кузда тутиш лозим.

*Эслатмалар: 1. Ички ёнтинга қарши сув узатгичнинг бирлашган ва алоҳида тизимлари учун пластмасса қувурларни, санитария - техника*

*асбобларига келтиришдан ташқари, шунингдек, уларни ярим утиш ва утиш каналлари ва тоннелларидаги электр кабеллари тагидан ўтказишга рухсат этилмайди.*

2. Ётарли даражада асосланганда, рухланган қувурларни рухланмаган қувурлар билан алмаштиришга рухсат этилади.

10.12. Асосланганда ёки лойиҳалашга берилган топшириқ буйича ички сув узатгичда бино периметрининг ҳар бир 60-70 м га бино олдидаги шёендозда ёки бинонинг ташқи деворлари тагида жойлаштириладиган биттадан сув қуйиш кранларини кузда тутиш лозим.

Сув қуйиш кранларини, одатда, махсус сув қуйишга мулкаланган сув узатгич тармоғига улаш лозим; сувдан фойдаланувчи маҳаллий ташкилот билан келишилган ҳолда, уларни ички сув узатгич тармоғига улашга рухсат этилади.

*Эслатма. Саноат корхоналари территориясида жойлашган бинолар учун сув қуйиш кранларини урнатишни, ободонлаштириш даражасига, яшил экинлар миқдорига ва бошқа маҳаллий шароитларга, шунингдек, сўғориш усулига боғлиқ ҳолда кузда тутиш лозим.*

10.13. Сув ичишга мулкаланган фонтанчалар ёки газли сув билан таъминлаш учун қурилмаларни, бинодаги ишчи уринларидан 75 м дан кўп булмаган масофада жойлаштиришни кузда тутиш лозим. Асбоблар турлари ва уларни жойлаштириш уринлари лойиҳалашнинг қурилиш қисми буйича урнатилди.

10.14. Сув қуйиш кранларини урнатишни қуйидаги ифлосланган ишлаб чиқаришларнинг ички кийимлар гардеробларида; жамоат ҳожатхоналарида;

учта ва ундан ортиқ унитарли ҳожатхоналарда;

бешта ва ундан ортиқ юз-қул ювгичлар бўлган ювиниш хоналарида;

учта ва ундан ортиқ душларга эга ювиниш хоналарида;

полларни ҳўлаб тозалаш зарурияти бўлган хоналарда ...

... кўзда тутиш лозим.

*Эслатма. Иссиқ сув таъминоти тизими билан жиҳозланган бинолар ва иншоотлар учун сув қўйиш кранларига совуқ ва иссиқ сувни улашни кўзда тутиш лозим.*

### ИССИҚ СУВ УЧУН СУВ УЗАТГИЧЛАР ВА АРМАТУРА

10.15. Иссиқ сув таъминоти тизимлари сув узатгичлари, одатда, рухланган пулат қувурлардан ясалиши лозим.

Иссиқ сув таъминоти тизимлари сув узатгичлари учун диаметри 150 мм дан ортиқ бўлган рухланмаган пулат қувурларни ва иссиқ сув таъминотининг очиқ тизимларида (оддий ёки кучайтирилган) қувурларни ишлатишга рухсат этилади.

*Эслатма. Иссиққа чидамли пластмассадан ёки ички юзаси иссиққа чидамли материаллар билан қопланган пулат қувурларни қўллашга рухсат этилади.*

10.16. Иссиқ сув таъминоти тизимларида сув узатиш учун уларга алоҳида иссиқ ва совуқ сув келтирилган аралаштиргичларни ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

Иссиқ сув таъминоти тизимларида аралаштиргичларни ўрнатишни, агар сув тақсимлаш учун сув берилиши совуқ сув билан аралаштирилмай қабул қилинса, кўзда тутмасликка рухсат этилади.

10.17. Иссиқ сув таъминоти тизимларида тескари клапанларни ўрнатишда қуйидаги ҳолларда :

гуруҳли аралаштиргичларга сув берадиган қувурлар участкаларида;

сув иситкичларга улашдан аввал циркуляцион қувурларда;

иссиқлик тармогининг тескари қувурларида иссиқлик созлагичга тармоқланишларда;

бевосита сув тақсимлаш тизимларида иссиқлик тармоқлари

қувурларидан иссиқлик тармогининг тескари қувурларига аввалдан уланадиган циркуляцион қувурда ...

... ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

10.18. Иссиқ сув таъминоти тизимларини лойиҳалашда, умумий мақсадларга мўлжалланган sanoat қувурли арматурани қўллаш лозим. Диаметри 50 мм гача бўлган беркитиш арматурасини бронзали, латушли ёки иссиқликка бардошли пластмассалардан қўллаш лозим.

10.19. Иссиқ сув таъминоти тизими учун дросселланувчи диафрагмаларни полимер материаллардан, латундан ёки зангламайдиган пулатдан булишини кўзда тутиш лозим.

### 11. СУВ МИҚДОРИ ВА САРФИНИ ЎЛЧАШ УЧУН ҚУРИЛМАЛАР

11.1. Сувнинг миқдори ва сарфини ҳисобга олиш, бинога киришларида ёки тармоқлар шаҳобчаларида ўрнатиладиган иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичлари (счетчиклари) орқали амалга оширилишини кўзда тутиш лозим.

Бинога икки ва ундан ортиқ киришларни ўрнатишда, иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичларини биринчи тармоқланишга (шаҳобчагача) ҳар бир киришда ўрнатиш лозим.

Бинолар гуруҳи учун сув сарфини ҳисобга олиш учун умумий ҳисоблагич ўрнатишга рухсат этилади.



Иссиқ сув таъминотининг ёпиқ тизимларида сув учун ҳисоблагичларни фақат сув таъминоти тизимида ўрнатиш лозим.

Марказлашган иссиқ сув таъминотининг очиқ тизимларида ёки хонадонларда ҳисобга олишда, одатда, ҳисоблагичларни совуқ сув таъминоти тизимидаги каби иссиқ сув таъминоти тизимида ҳам кузда тутиш лозим.

*Эслатма. Ҳисоблагичларни, турар жой ишлаб чиқариш жамоат биноларига қушиб қўрилган ва умумий киришдан сув оладиган дуконларга, ошхоналарга, ресторанларга ва шу кабиларга совуқ ва иссиқ сув узаткичлари тармоқланишларида ўрнатиш лозим.*

11.2. Сув ҳисоблагичнинг шартли ўтиш диаметрини, 4-жадвал буйича қабул қилинадиган фойдаланиш-лигидан ошмаслиги шарт булган ҳолда, истеъмоқ қилиш даври (сутқада, сменада) буйича сувнинг урточа вақтли сарфидан келиб чиқиб, танлаш ва 11.3.6. кўрсатмаларига мувофиқ текшириш лозим.

Техникавий тавсифномалар ва сарфларни аниқ ҳисоблаш буйича истеъмоқчи ва таъминловчининг талабларига мувофиқ келадиган, ўлчаш воситалари сифатида давлат рўйхатидан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти органларининг мувофиқлик сертификатига эга булган сув ҳисоблагичларини қўллашга рухсат этилади.

11.3. Шарҳли ўтишнинг қабул қилинган диаметри булган ҳисоблагични қуйидагича:

а) хўжалик-ичимлик, ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжларга зарур булган максимал (ҳисобий) секундли сув сарфининг ўтказувчанлигига, бунда совуқ сув сиқувининг парракли ҳисоблагич-

ларида йўқолиши 2,5 м дан, турбиналида - 1 м дан ошмасли шарт.

б) ички ўт учиришга бериладиган сувнинг ҳисобий сарфини ҳисобга олиш билан сувнинг максимал (ҳисобий) секундли сув сарфининг ўтказувчанлигига, бунда ҳисоблагичдаги сиқувнинг йўқолиши 10 м дан ошмаслиги шарт булган ҳолда ... текшириш лозим.

11.4. Ҳисобий секундли  $q(q^{tot}, q^i, q^h)$  л/с, сув сарфида ҳисоблагичлардаги сиқувнинг йўқолиши  $h$ , м, ни қуйидаги формула буйича аниқлаш лозим:

$$h = S q^2 \quad (21)$$

бу ерда  $S$  - ҳисоблагичнинг, 4-жадвалга мувофиқ қабул қилинадиган гидравлик қаршилиги.

Сув сарфини ўлчаш зарурияти булганда ва шу мақсад учун сув ҳисоблагичларини ишлатиш имконияти булмаганда, бошқа турдаги сарф ўлчигичларни қўллаш лозим. Сарф ўлчигичларни шартли ўтиш диаметрини танлаш ва ўрнатиш тегишли техникавий шартлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

11.5. Совуқ (иссиқ) сувнинг киришларида ҳисоблагичларни, одатда, бинонинг ташқи деворида ҳаво ҳарорати  $5^{\circ}\text{C}$  дан паст булмаган ва сунъий ёки табиий ёритишга эга киришга осон ва қулай хоналарда ўрнатиш лозим.

Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжларига сарфланадиган сув истеъмоқчи ҳисоблаш учун иссиқлик пунктларида совуқ сув ҳисоблагичини иситкичларга сув берадиган қувурларда ўрнатиш лозим.

Иссиқлик тармоғидан иссиқ сувнинг бевосита сарфланишида иссиқ сув ҳисоблагичларини аралаштириш узелидан сунг узатувчи

қувурда ва умумий циркуляцион қувурда ўрнатиш зарур.

*Эслатма. Бинода ҳисоблагичларни жойлаштириш имконияти бўлмаганда, уларни бинодан ташқарида махсус қудуқларда ўрнатишга рухсат этилади.*

11.6. Ҳисоблагичларни ўрнатишда уларни учириб қўйиш ва таъмирлаш учун жойидан кучириш кўзда тутилган бўлиши шарт

Ҳисоблагичларнинг ҳар бир томонида қувурнинг тўғри участкаларини кўзда тутиш лозим, уларнинг узунлиги сув ҳисоблагичларига (парракли ва турбинали) вентилларига ва сурма зулфинларга Давлат Стандартига мувофиқ аниқланади. Ҳисоблагич ва иккинчи (сув йуналиши бўйича) жумрак ёки сурма зулфин ўртасида сувни тушириб юборадиган кран ёки тиқинли учланмани ўрнатиш лозим.

*Эслатма. Агар сув тақсимлаш крани орқали сув туширилиб юборилиши таъминланса, у ҳолда турар жой бинолари хонадонларида ҳисоблагичлар ўрнатишда сув тушириб юбориш крани ёки тиқинли учланмани ўрнатмасликка рухсат этилади.*

11.7. Ички ўт учиришга сувнинг ҳисобий сарфларида ва бинога кириш битта бўлганда, совуқ сув ҳисоблагичи олдида айланма чизик бўлиши шарт. Айланма чизикни сувнинг максимал сарфига (ёнгинга қарши ҳисобларни инobatта олган ҳолда) ҳисоблаш лозим. Айланма чизикларда оддий вақтда берк ҳолатда пломбаланган сурма зулфинни ўрнатишни кўзда тутиш зарур.

Турар жой бинолари хонадонларида ва хусусий алоҳида (якка) турар жой уйларида ҳисоблагичларни ўрнатишда совуқ сув ҳисоблагичи олдида айланма чизикни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

Агар ҳисоблагичлар ўт учириш учун максимал сув сарфига мўлжалланган бўлса у ҳолда айланма чизикларда, ёнгин кранлари қошида ўрнатиш билан насослари ёқиши билан тутмалар орқали бир вақтда автоматик равишда очиладиган сурма зулфинларни ўрнатишни кўзда тутиш лозим. Ўт учиришда сув утказилиши учун сув ўлчаш узелининг айланма чизигида электр сурма зулфинларини очиш учун тутмаларни ёнгин насослари бўлмаган ҳолда ҳам ўрнатилади.

Иссиқ сув ҳисоблагичлари қошида айланма чизикни кўзда тутмаслик лозим.

*Эслатма. Киришларда ўлчаш мосламалари бўлмаганда, истеъмолчилардан сувдан фойдаланганлик учун ҳисоб-китобларни 3-сон мажбурий Илова бўйича ёки маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳокимиятлар томонидан ўрнатиладиган меъёрлар бўйича, истеъмолчининг ўргача суткадаги сув сарфи меъёрлари бўйича амалга ошириш лозим.*

## 12. НАСОС ҚУРИЛМАЛАРИ

12.1. Иссиқ сув таъминоти тизимларида сув босимининг доимий ёки даврий етишмаслигида, шунингдек, марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти тизимларида мажбурий циркуляцияни тутиб туриш зарур бўлганда, насос қурилмаларини кўзда тутиш лозим.

12.2. Насос қурилмасининг турини ва унинг ишлаш режимини ишлаб чиқилган қўйдаги вариантларни техникавий - иқтисодий солиштириш асосида:

созловчи сигимли идишлар бўлмаганда, узлуксиз ёки даврий ҳаракатдаги насослар;

гидропневматик ёки сув босими бақлари билан биргаликда такрорий-

| Ҳисоблагичнинг шартли ўтиш диаметри, мм | ПАРАМЕТРЛАР                     |                    |          |                                  |   |                                       |                       |
|---|---------------------------------|--------------------|----------|----------------------------------|---|---------------------------------------|-----------------------|
|   | Сув сарфи, м <sup>3</sup> /соат |                    |          | Сезгирлик чегараси м/соат кўшида | Сутка давомида сувнинг максимал ҳажми, м <sup>3</sup> | Ҳисоблагичнинг гидравлик қаршилиги, S |                       |
|   | минимал                         | эксплуатация-шонли | максимал |                                  |   | м (м <sup>3</sup> /соат) <sup>2</sup> | м (л/с) <sup>2</sup>  |
| 15                                      | 0,03                            | 1,2                | 3        | 0,015                            | 45  | 1,11                                  | 14,4                  |
| 20                                      | 0,05                            | 2                  | 5        | 0,025                            | 70  | 0,4                                   | 5,1                   |
| 25                                      | 0,07                            | 2,8                | 7        | 0,035                            | 100   | 0,204                                 | 1,3                   |
| 32                                      | 0,1                             | 4                  | 10       | 0,05                             | 140   | 0,1                                   | 0,82                  |
| 40                                      | 0,16                            | 6,4                | 16       | 0,08                             | 230   | 0,039                                 | 0,32                  |
| 50                                      | 0,3                             | 12                 | 30       | 0,15                             | 450   | 0,011                                 | 0,0265                |
| 65                                      | 1,5                             | 17                 | 70       | 0,6                              | 610   | 0,0063                                | 0,0140                |
| 80                                      | 2                               | 36                 | 110      | 0,7                              | 1300  | 0,002                                 | 2,7·10 <sup>-1</sup>  |
| 100                                     | 3                               | 65                 | 180      | 1,2                              | 2350  | 5,9·10 <sup>-3</sup>                  | 6,75·10 <sup>-4</sup> |
| 150                                     | 4                               | 140                | 350      | 1,6                              | 5100  | 1,0·10 <sup>-6</sup>                  | 1,3·10 <sup>-6</sup>  |
| 200                                     | 6                               | 210                | 600      | 3                                | 7600  | 2,77·10 <sup>-6</sup>                 | 4,53·10 <sup>-4</sup> |
| 250                                     | 15                              | 380                | 1000     | 7                                | 13700   | 1,38·10 <sup>-6</sup>                 | 2,91·10 <sup>-4</sup> |

*Эслатма. Чет элда ишланган ҳисоблагичлар учун сув босимининг йўқолиши катталигини паспортда берилган маълумотлар (техникавий тавсифларга) мувофиқ қабул қилиш лозим.*

қисқа вақтли режимда ишлайдиган максимал соатли сув сарфидан ошадиган ёки тенг ишлаб чиқарувчанликка эга насослар;

созловчи сизимли идиш билан биргаликда ишлайдиган, ишлаб чиқарувчанлиги максимал сув сарфидан кам бўлган узлуксиз ёки даврий ҳаракатдаги насослар ...  
... турларини қўзда тутиш лозим.

12.3. Хўжалик-ичимлик, ёнгинга қарши ва сув айланиши эҳтиёжларига зарур бўлган сувни берадиган насос қурилмаларини, одатда, иссиқлик пунктлари, бойерли ва қозонхона хоналарида жойлаштириш лозим.

12.4. Насос қурилмаларини (ёнгин учун мулжалланганларидан ташқари), бевосита турар жой

хонадонлари, болалар боғча ва яслиларининг, болалар ёки гуруҳли хоналари, умумтаълим мактабларининг синфлари, касалхоналар хоналари, маъмурий биноларнинг ишчи хоналари, ўқув юрғлари аудиториялари ва бошқа шунга ўхшаш хоналар тагида жойлаштиришга рухсат этилмайди.

Ёнгинга қарши насос ва ички ут учиритиш учун гидропневматик бакка эга насос қурилмаларини, I ва II даражали ўта чидамли биноларнинг ёнмайдиган материаллардан иборат бўлган биринчи ёки ер ости қаватларида жойлаштиришга рухсат этилади. Бунда насос қурилмалари ва гидропневматик баклар хоналари иситиладиган, ёнгинга қарши деворлар (тўсиқлар) ва беркитишлар билан уралган бўлиши ва ташқарига ёки зинапоя катакларига алоҳида чиқишга эга бўлиши шарт.



**Эслатмалар:** 1. Айрим ҳолларда санитария-эпидемиология хизматининг маҳаллий органлари билан келишилган ҳолда, юқорида санаб ўтилган хоналар билан ёнма-ён насос қурилмаларини жойлаштиришга рухсат этилади, бунда хоналардаги шовқиннинг йиғинди даражаси 30 Дб дан ошмаслиги шарт.

2. Гидропневматик бакларга эга хоналарни, одамлар сони 500 киши ва ундан ортиқ буладиган (тамоша зали ва саҳна, гардеробхона ва шу каби) хоналар билан бевосита (ёнма-ён, юқорида, пастда) жойлаштиришга рухсат этилмайди.

Гидропневматик бакларни: техникaviй қаватларда жойлаштиришга рухсат этилади.

Гидропневматик бакларни лойиҳалаштиришда "Босим остида ишлайдиган идишларни урнатиш ва хавфсиз ишлатиш қондалари" талабларини ҳисобга олиш лозим.

3. Хизмат курсатувчи ходимлар булмаган вақтда электр энергиясини узатиш тўхтатилган биноларда ёнгинга қарши насосларни урнатишга рухсат этилмайди.

12.5. Қурилаётган шаҳарнинг алоҳида кварталарига хизмат курсатувчи насос қурилмаларини, шунингдек, ишлаб чиқариш насос қурилмаларини ҚМҚ 2.04.02-97 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар" га мувофиқ лойиҳаштириш лозим.

Хужалик - ичимлик ёки хужалик-ёнгинга қарши эҳтиёжларга сув берадиган, оқим узилишсиз ишлайдиган насос қурилмалари учун санитария муҳофазаси зоналарини урнатишни кўзда тутиш талаб этилмайди.

12.6. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун насос қурилмаларини, одатда, сув истеъмоли қиладиган бевосита цехларда урнатиш лозим. Зарурият бўлганда насос қурилмаларини тўсиқлар билан урашни кўзда тутиш лозим.

12.7. Хужалик-ичимлик ва ишлаб чиқариш насослари қурилмалари ишлаб чиқарувчанлигини қуйидаги ҳолларда:

созловчи сигимли идишлар бўлмаганда - камида максимал секундли сув сарфида;

сув босими ёки гидропневматик баклар ва такрорий - қисқа вақтли режимда ишлайдиган насослар бўлганда - камида максимал соатли сув сарфида;

сув босими баки ёки резервуарнинг созловчи сигимли идишларидан максимал фойдаланган ҳолда - 13 бўлимга мувофиқ ...

... қабул қилиш лозим.

12.8. Биноларда ва иншоотларда иссиқлик таъминотининг ёпиқ схемаларида совуқ ва марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти тизимларининг булишини, одатда, иссиқ ва совуқ сув таъминотига умумий сув сарфини берип учун кучайтирувчи насос қурилмасини кўзда тутиш лозим.

12.9. Кучайтирувчи насос қурилмаси орқали ортадиган совуқ ва иссиқ сув босими  $H_p$ , ни, ташқи сув узатгич тармоғидаги энг кам кафолатланган сув босимини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формуладан аниқлаш лозим:

$$H_p = H_{\text{геом}} + \Sigma H_{\text{в.л.}} + H_f - H_{\text{г}} \quad (22)$$

бу ерда,  $H_{\text{в.л.}}$  - 7,8 ва 11 бўлимга мувофиқ аниқланадиган, сув таъминоти тизимларидаги қувурлардаги сув босимининг йўқолиш суммаси, м.

**Эслатма. Зарурият бўлганда, ташқи тармоқдаги сув узатгичнинг максимал босимини ҳисобга олган ҳолда, максимал сув истеъмоли соатларида, тизимдаги босимни текшириш лозим.**

12.10. Иссиқ сув таъминоти тизимлари учун, қаерда циркуляцияон - кучайтириш насослари қулланилганда, совуқ ва

иссиқ сув таъминоти тизимида босимлар фарқи 0,1 МПа дан ошса, у ҳолда кучайтиргич қурилмасидаги талаб этилган сув босими қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$H_p = H_{\text{geom}} + \Sigma H_{\text{tot}} + H_i - H_g - H_{\text{cor}}, \quad (23)$$

бу ерда,  $H_{\text{cor}}$  - циркуляцион - кучайтириш насосининг сув босими, м.

12.11. Иссиқ сув таъминоти тизимларида марказлашган тизимларида кечаси шаҳар сув узатгичларида сув босими етарли бўлмаганда қўшимча кучайтириш насослари сифатида, узатувчи қувурларда ўрнатиладиган циркуляцион насосларидан фойдаланиш лозим.

12.12. Маҳаллий кучайтириш насос қурилмасида насосларни параллел ишлашини кўзда тутиш лозим.

Турар жой бинолари учун ташқи сув узатгич тармоғида босимлар тебаниши 0,2 Мпа (20 м) дан юқори бўлганда, талаб этиладиган босимга боғлиқ ҳолда автоматик ёқишга эга кучайтириш насосларининг кетма - кет ишлашини кўзда тутиш лозим.

12.13. Сув узатгичнинг ташқи тармоғидаги босим 00,5 Мпа (0,5 кгс/см<sup>2</sup>) - бўлганда, насос қурилмаси олдида қабул қилиш резервуари қурилмасини ўрнатишни кўзда тутиш лозим, резервуар сизимини 13-булимга мувофиқ аниқлаш лозим.

12.14. Кучайтириш - циркуляцион насосни, 8,1 б. га мувофиқ аниқланадиган иссиқ сувнинг ҳисобий сарфи,  $q^{h, \text{cor}}$ , буйича танлаш лозим.

12.15. Насос қурилмаларини лойиҳалаштириш ва резерв агрегатлар сонини аниқлаш ҚМҚ 2.04.02.-97 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва ишпоотлар" га мувофиқ ҳар бир қадамда насоснинг параллел ёки кетма-кет ишлашини ҳисобга

олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

12.16. Ҳар бир насоснинг босим чизигида, тескари клапан, сурма зулфин ва манометр, суриб олиш чизигида эса - сурма зулфин ва манометр ўрнатилишини кўзда тутиш лозим.

Насоснинг суриб олиш чизигида ишлаш вақтида унга сурма зулфин ўрнатиш талаб этилмайди.

12.17. Насос агрегатларини тебранишдан ҳолис қилувчи асосларда ўрнатиш лозим. Босимли ва суриб олиш чизикларида тебранишдан ҳолис қилувчи вставкаларни ўрнатиш кўзда тутилши лозим.

Тебранишдан ҳолис қилувчи асослар ва тебранишдан ҳолис қилувчи вставкаларни қуйидаги ҳолларда:

шовқиндан ҳимоя қилиш талаб этилмайдиган ишлаб чиқариш биноларида;

енгинга қарши насос қурилмаларида;

энг яқин бинога камида 25 м да жойлашган марказий иссиқлик пунктларининг (МИП) алоҳида турган биноларида ...

кўзда тутмасликка рухсат этилади.

12.18. Гидропневматик баклари булган насос қурилмасини узгарувчан босим билан лойиҳалаштириш лозим. Бақдаги ҳаво заласини тулдиришни, одатда, автоматик ёки қўлда ишга тушириладиган компрессорлар ёки умумзавод компрессор станциясидан амалга ошириш лозим.

12.19. Ишлаб чиқариш корхоналарининг иссиқ сув таъминоти тизимларида, резервли циркуляцион насосни ўрнатмасликка рухсат этилади. Ишлатиш режими бир ёки икки сманали бўлган

биноларда ва иншоотларда иссиқ сув таъминоти тизимларининг циркуляциясон насосларининг ёқилиши имкониятини кўзда тутиш лозим.

Циркуляциясон насосларининг ёқилиши (ишга тутиши) сув тақсимлаш бошланишигача санитария асбоблари қошида сувнинг ҳисобий ҳароратини олишни таъминлаши шарт.

12.20. Циркуляциясон - кучайтириш насосларини лойиҳалаштиришда энг кичик сув тақсимлаш соатларида ёки у бўлмаганда, иссиқ сув таъминоти тизимларини юқори босимлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўзда тутиш зарур.

12.21. Ёнгинга қарши мақсадлар учун насос қурилмаларини қўл билан ва узоқ масофадан бошқаришни, баландлиги 50 м дан ортиқ бўлган бинолар, маданият уйлари, конференц-заллар, мажлислар заллари ва спринклерли ҳамда дренчерли қурилмалар билан жиҳозланган бинолар учун - қўлда, автоматик ва узоқ масофадан бошқаришни лойиҳалаштириш лозим.

*Эслатмалар:* 1. Автоматик ёки масофадан туриб ишга тушириш сигнали тизимдаги сув босимини автоматик текширилгандан сўнг насос агрегатларига келиб тушиши шарт. Тизимда босим етарли бўлганда, насос агрегатининг ёқилишини талаб этадиган, босим пасайиши моментигача насоснинг ишга туширилиши автоматик тарзда бекор этилиши шарт.

2. Ҳисобий сарфлар берилган ва ҳисобий сув босими билан таъминланган шарт бажарилганда, ут учиретиш учун хўжалик насосларидан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда хўжалик насослари ёнгин насосларига қўйиладиган талабларни қондириши шарт.

3. Ёнгинга қарши мақсадлар учун, ёнгин кранининг очилиши, спринклерли сўртотичининг очилиши ёки дренчер тизимининг (қўлда ёки автоматик)

ёқилиши билан бир вақтнинг ўзида насоснинг автоматик ёки масофадан бошқариш сигнали билан насоснинг ишга тушириш сигнали билан сув узаткичнинг киришида сув улчагичнинг айланма чизигида электрлаштририлган сурма зулфининг очилишига сигнал тушиши шарт.

12.22. Ёнгин насослари қурилмаларини масофадан ишга туширишда ёқиш тутмаларини ёнгин кранлари қошидаги шкафларда ўрнатиш лозим. Автоматик ва масофадан туриб ёнгин насосларини ёқишда бир вақтнинг ўзида ёнгин пости хоналарига ёки кеча-кундуз давомида хизмат курсатувчи ходимлар буладиган бошқа хоналарга ҳам (ёруглик ва овозли) сигнал бериш зарур.

12.23. Хўжалик - ичимлик, ишлаб чиқариш ва ёнгинга қарши эҳтиёжлар учун сув берадиган насос қурилмалари учун электр таъминоти ишончилиги категориясини қуйидагича:

I - ички ут учиретишга сувнинг сарфи 2,5 л/с, шунингдек, ишлаш вақтида узилишга йўл қўйилмайдиган насос қурилмалари учун;

II - ички ут учиретишга сувнинг сарфи 2,5 л/с бўлган; баландлиги 10-16 қаватли турар жой бинолари учун сувнинг йиғинди сарфи 5 л/с, шунингдек, резерв таъминоти қўл билан ёқиш учун зарур бўлганда ишида қисқа вақтли танаффустга йўл қўйиладиган насос қурилмалари учун ... .. қабул қилиш зарур.

*Эслатмалар:* 1. Маҳаллий шаротларга кўра I категорияли насос қурилмаларининг таъминотини иккита мустақил эл. таъминоти манбадан таъмин этиш мумкин бўлганда, уларни 0,4 кВ кучланишли турли тармоқларга ва икки трансформаторли подстанциянинг турли трансформаторларига ёки иккита яқин жойлашган бир трансформаторли подстанцияларининг (АВР қурилмаси билан) трансформаторларига улаш шарт



билан бир манбадан таъминланишини амалга оширишга рухсат этилади.

2. Насос қурилмаларининг электр таъминотининг зарурий ишончлилигини таъминлаш имконияти бўлмаганда, ички ёниш двигателидан привод билан резервли насосларни урнатишга рухсат этилади. Бунда, уларни ерғула хоналарида жойлаштиришга рухсат этилмайди.

12.24. Совуқ сув таъминоти тизимларидаги насос қурилмаларини, иссиқ сув таъминотининг, циркуляцияли ва циркуляцияон-кучайтириш насос тизимларини қўл билан масофадан туриб ёки автоматик равишда бошқаришни лойиҳалаштириш лозим.

Кучайтиришни насос қурилмаси билан автоматик бошқаришда қуйидагиларни:

тизимдаги талаб этиладиган босимга боғлиқ бўлган ишчи насосларни автоматик ёқилиши ва учирлишини ёки босимсиз бақдаги сув сатҳини;

ишчи насоси аварияли учган вақтда резерв насоснинг автоматик ёқилишини;

ишчи насоснинг аварияли учлиши ҳақида овозли ёки ёруғлик сигналининг берилишини ...

... кузда тутиш шарт.

12.25. Резервуардан сув олинганда "сув тўлдирилган ҳолатдаги" насосларнинг урнатилишини кузда тутиш лозим. Насослар резервуардаги сув сатҳидан баянда жойлашган ҳолда, ўз-ўзидан сўриб олувчи насосларни ёки насосни туқиш учун қурилмаларни кузда тутиш лозим.

12.26. Насослар ёрдамида резервуардан сув олинганда, камида иккита сўриб олувчи линияли кузда тутиш лозим. Уларнинг ҳар бирининг ҳисобини, сувнинг ҳисобий сарфини утказишига, ёнгина қарши сарфини

ҳам киритган ҳолда амалга ошириш лозим.

Битта сўриб олиш линиясини урнатиш, насосларни резерв агрегатларисиз урнатишда рухсат этилади.

12.27. Насос станцияларидаги қувурларни, шунингдек, насос станцияларидан ташқаридаги сўриб олиш линияларини, насосларга ва арматурага улаш учун пайвандлашга гардишли бирикмаларни қўллаш билан пулат қувурлардан иборат бўлишини лойиҳалаштириш лозим. Чуқурлаштирилган ва ярим чуқурлаштирилган насос станцияларида ҚМҚ 2.04.02-97 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва инпоотлар" талабларига мувофиқ беҳосдан сув оқиб чиқишини бартараф этиш ва йиғиш учун чоратадбирларни кузда тутиш лозим.

### 13. ЗАҲИРАЛИ ВА РОСТЛОВЧИ СИГИМЛИ ИДИШЛАР

13.1. Заҳирали ва ростловчи сизимли идишлар (сув миноралари, резервуарлар, гидропневматик баклар, иссиқлик аккумуляторлари ва бошқ.) сув истеъмолини ростлаш учун етарли ҳажмда сувни ўз ичига олиши шарт. Ёнгина қарши мосламалар бўлган ҳолда совуқ сув утказигичнинг курсатилган сизимли идишлари, шунингдек, тегиб бўлмайдиган ёнгина қарши сув заҳирасини ҳам ўз ичига олиши шарт. Ёнгина қарши мосламалар бўлган ҳолда совуқ сув утказигичнинг курсатган сизимли идишлари тегиб бўлмайдиган ёнгина қарши сув заҳирасини ҳам ўз ичига олиши шарт. Тегиб бўлмайдиган ёнгина қарши сув заҳирасини сақланишини ва уни бошқа эҳтиёжларга фойдаланишини мумкин бўлмаслигини таъминлаш учун

махсус мосламаларни кўзда тутиш лозим.

Сигимли идишнинг турини, уни мосламалар билан жиҳозлашнинг мақсадга мувофиқлигини, жойини техник-иқтисодий ҳисоблар асосида аниқлаш лозим.

*Эслатма. Ёнгинга қарши сув захирасини сақлаш учун гидропневматик бакларини қўллаш тавсия этилмайди, аммо сатҳ ёки босим датчиклари орқали ёнгинга қарши насосларни кафолатли ишга туширилишини таъминловчи сувнинг энг кам ҳажми қабул қилиниши шарт.*

13.2. Совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимлардаги босимсиз аккумулятор бакларини ҳаммом, кир ювиш хоналари ва бошқа қисқа вақтли мужассамланган сув сарфига эга бўлган истеъмолчиларда сув захираси яратиш учун кўзда тутиш лозим.

13.3. Иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимларида гуруҳли қурилмаларда душ катакларининг (турлари) сони 10 ва ундан ортиқ бўлган майший биноларда ва ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналарида, шунингдек, ташқи тармоқлар ва иншоотларнинг зарур сарфни беришини таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолда иссиқлик тармоғидан иссиқ сувнинг бевосита тақсимланишида сув захирасини ҳосил қилиш учун босимсиз бак-аккумуляторларини ўрнатиш лозим. Бак-аккумуляторларини ўрнатишдан воз кечиш ҳоллари асосланган бўлиши шарт.

13.4. Идиш сигимининг ростловчи ҳажмини,  $W$ , м<sup>3</sup>, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим.

а) максимал соатли сарфдан ошадиган ёки тенг, насос ёки насос қурилмасининг иш унумдорлигида, босимли сув баклари ёки гидропневматик баклар учун :

$$W = \frac{q^{sp,1}_{hr}}{4n} \quad (24)$$

бу ерда  $n$  - очик бакли қурилмалар учун 2-4 га тенг насос қурилмасининг 1 соатдаги ёқилишларининг йул қуйиладиган сони; гидропневматик баклари бўлган қурилмалар учун 6-10. Бир соатда ёқилишларининг энг кўп сонини қуввати катта бўлмаган қурилмалар (10 кВт гача) учун қабул қилиш лозим;

б) насос қурилмасининг иш унумдорлиги максимал соатли сарфдан кам бўлганда босимли сув баки ёки резервуар учун:

$$W = \phi T q_r \quad (25)$$

в) иссиқликнинг максимал соатли истеъмолини таъминламайдиган сув иситтичнинг (иссиқлик генератори) қувватида иссиқ сув таъминоти тизимидаги иссиқлик бак-аккумулятори учун:

$$W = \frac{\phi T Q^h_r}{1,16 (55 - t^o)} \quad (26)$$

(25) ва (26) формулаларда:

$\phi$  - 13.5 б. га мувофиқ аниқланадиган ростловчи ҳажмининг нисбий катталиги;

$T$ ,  $Q^h_r$ ,  $q_r$ ,  $t^o$  катталиклари 3-булимга мувофиқ қабул қилиш лозим.

13.5. Ростловчи ҳажмининг нисбий катталиги  $\phi_{1,2}$  ни қуйидаги формулалар бўйича аниқлаш лозим:

а) энг катта сув истеъмоли (иссиқлик истеъмоли) нинг ҳисобий даври ( сутка, смена) давомида турли иш унумдорлиги билан насос қурилмасининг (сув иситтичнинг) узлуксиз ишлашида ёки узок

муддатли ёқилишларнинг режими-  
даги насос қурилмалари ишлашида:

$$\varphi_1 = 1 - K_{sp_{hr}} + (K_{hr} - 1) \left( \frac{K_{\Psi_{hr}}}{K_{hr}} \right) \quad (27)$$

б) насос қурилмасининг (суб  
иситгич ёки иссиқлик генератори)  
суб истеъмоли даврининг қисмларида  
энг катта сув истеъмоли (иссиқлик  
истеъмоли) соатларини уз ичига  
оладиган бир текис ва узлуксиз  
ишлашида:

$$\varphi_2 = 1 - K_{sp_{hr}} + (K_{hr} - 1) \left( \frac{K_{\Psi_{hr}}}{K_{hr}} \right) + \left( \frac{K_{sp_{hr}} - 1}{K_{sp_{hr}}} \right) K_{hr} \quad (28)$$

**Эслатмалар:** 1. **Иссиқлик**  
аккумуляторларини (27) ва (28)  
формулалар буйича ҳисобланганда  
 $K_{hr}(K_{hr}^{aol}, K_{hr}^b, K_{hr}^c)$  ва  $K_{hr}^{sp}$  қиймат-  
ларининг урнига  $K_{hr}^{hl}$  ва  $K_{hr}^{sp}$   
қийматларини қабул қилиш лозим.

2. (27) ва (28) формулалар буйича  
ҳисобланган  $\varphi_1$  ва  $\varphi_2$  қийматлари  
тавсиявий 7 ва 8 Иловаларда  
келтирилган.

13.6. Сувнинг энг катта истеъмоли  
бўлган суткадаги (иш сменаси)  
тизим учун сув истеъмолининг  
соатли нотекислигини ҳисобга олувчи  
 $K_{hr}$  коэффициентини қуйидаги  
формула буйича ҳисоблаш лозим:

$$K_{hr} = \frac{q_{hr}}{q_T} \quad (29)$$

13.7. Сувнинг энг катта истеъмоли  
бўлган сутка (иш сменаси) даги  
насослар билан сув узатилишининг

соатли нотекислигини ҳисобга олувчи  
 $K_{sp_{hr}}$  коэффициентини қуйидаги  
формула буйича ҳисоблаш лозим:

$$K_{\Psi_{hr}} = \frac{Q_{hr}^h}{q_T} \quad (30)$$

13.8. Иссиқ сувнинг энг катта  
истеъмоли бўлган даврдаги Т, соат  
(сутка, иш сменаси), иссиқ сув  
таъминоти тизимининг иссиқлик  
истеъмолининг соатли нотекислигини  
ҳисобга олувчи  $K_{hr}^{hl}$  коэффициентини  
қуйидаги формула буйича ҳисоблаш  
лозим:

$$K_{hr}^{hl} = \frac{Q_{hr}^h}{Q_{hr}^t} \quad (31)$$

13.9. Иссиқ сувнинг энг катта  
истеъмоли бўлган даврдаги Т, соат,  
(сутка, иш сменаси), иссиқ сув  
таъминоти эҳтиёжлари учун  
иссиқлик узатилишининг соатли  
нотекислигини ҳисобга олувчи  $K_{hr}^{sp}$   
коэффициентини қуйидаги формула  
буйича ҳисоблаш лозим:

$$K_{hr}^{sp} = \frac{Q^{sp}}{Q^t} \quad (32)$$

бу ерда  $Q^{sp}$  - сув иситгич, қозон ва  
шунга ухшаш иссиқ сув таъминоти  
жихозларининг ҳисобий қуввати,  
кВт.

13.10. Саноат корхоналарининг  
маиший бинолари ва хоналарида  
урнатиладиган аккумулятор-  
бакларидаги сув заҳирасини, уларни  
иш сменаси давомида тулдириш  
вақтига боглиқ бўлган ҳолда  
аниқлаш лозим, бунда тулдириш  
вакти душ турларининг сонига қараб  
қуйидагича қабул қилинади: 10-20 -  
2 соат; 21-30 - 3 соат; 31 ва ундан  
ортиқ бўлганда - 4 соат.



13.11. Аккумулятор бакларидаги тегиб бўлмайдиган ёнгинга қарши сув захираси, насосларни қўлда, узоқ масофадан туриб ёки автоматлаштирилган ишга тушуришда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ва хўжалик-ичимлик эhtiёжларига сувнинг энг катта сарфи билан ички ёнгин кранлари орқали ёнгин ўчиришни 10 дақиқа давомийлиги ҳисобидан қабул қилиш лозим

Ёнгин насосларини кафолатли автоматлаштирилган ишга туширишда тегиб бўлмайдиган ёнгинга қарши сув захирасини қўзда тутмасликка рухсат этилади.

*Эслатма Ёнгин насосларини кафолатли автоматлаштирилган ишга тушириш, насосларни камида иккита импульс орқали масалан, электр туташув манометр ва оқимли реле ва шунга ўхшашлар орқали ишга тушириш ҳисобига таъминланади.*

13.12. Сигимли идишларнинг тулик сигимини  $V$ ,  $m^3$ , қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$a) \text{ гидропневматик бак учун} \\ V = W \frac{B}{1 - A} \quad (33)$$

б) босимли сув баки ёки резервуар учун

$$V = BW + W_1 \quad (34)$$

в) иссиқлик аккумуляторлари учун:

$$V = BW \quad (35)$$

бу ерда  $W_1$  - сувнинг ёнгинга қарши ҳажми,  $m^3$ ;

$A$  - абсолют минимал босимнинг максимал босимга nisбати, унинг қийматини қуйидагича қабул қилиш лозим: 0,8-босим билан ишлайдиган қурилмалар учун; 0,75- босими 50 м

гача бўлган қурилмалар учун; 0,7- босими 50 м дан ортиқ бўлган қурилмалар учун;

$B$  - бакнинг сигдира олиш захирасининг қуйидагича қабул қилингандаги коэффициенти: 1,2-1,3 - қайта-қисқа вақтли режимда ишлайдиган насос қурилмаларидан фойдаланганда, 1,1 - сувнинг максимал соатли сарфидан кам насос қурилмаларининг унумдорлигида, иссиқлик аккумуляторлари учун  $B=1$ .

13.13. Босимли сув бакининг жойлашиш баландлиги (шу жумладан, иссиқ сув бакининг) ва гидропневматик бакнинг минимал босими, сув тақсимлаш арматураси олдида зарур сув босимини, ёнгинга қарши тизимларда ёки бирлашган сув ўтказгичида эса - ёнгин кранлари олдида ёнгинга қарши сув захираси тула сарф бўлишигача зарур сув босимини таъминлаши шарт.

*Эслатма. Марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимларида бак- аккумуляторларини, қачонки, улар сув захирасини (ишлаб чиқариш корхоналаридаги маиший биноларнинг ҳаммомларида, кирхоналарида, душхоналарида ва ш.к.) яратиш учун зарур бўлган ҳоллардан ташқари, қўзда тутиш лозим эмас.*

13.14. Ичимлик сувининг босимли сув ва гидропневматик бакларини, шунингдек, бак-аккумуляторларини ички ва ташқи емирилишдан сақлайдиган металдан тайёрланиши лозим; бунда, ички емирилишдан сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган материалларни қўллаш лозим. Иссиқ сув таъминоти тизимларининг бак-аккумуляторлари учун иссиқлик изоляциясини ҳисоб бўйича қўзда тутиш лозим.

13.15. Босимли сув бакларини ва (босимсиз сув) бак-аккумуляторларни баландлиги камида 2,2 м мусбат

ҳарорат булган шамоллатиладиган ва еритиладиган хоналарда урнатиш лозим. Хоналарнинг юк кўтарадиган конструкцияларини енмайдиган материаллардан тайёрлаш лозим. Баклар тагида тагликлар булишини кўзда тутиш лозим. Босимли сув баклари ва қурилиш конструкциялари орасидаги масофа камида 0,7 м; баклар ва пукакли қопқоқ жойлашган томонидан қурилиш конструкциялари уртасидаги масофа - камида 1 м; бак устидан тўсиққача - камида 0,6 м; тагликдан бак тубигача - камида 0,5 м ... булиши шарт.

13.16. Босимли сув баклари ва бак-аккумулятори (босимсиз) учун қуйидагиларни:

а) пукакли қопқоқлар билан бакка сув бериш учун қувурни. Ҳар бир пукакли қопқоқлар олдида тўсиқли жўмрак ёки сурма зулфин урнатилиши лозим;

б) ажратиш қувурини;

в) бақда энг юқори йул қўйиладиган сув сатҳи баландлигида, сувни қайта қувовчи қувурни;

г) қувурнинг уланадиган участкасида жўмрак билан ёки сурма зулфин билан бак тубига ва сувни қайта қувовчи қувурга уланадиган қия қувурни;

д) тагликдан сувни бартараф қилиш учун сув четлатиш қувурини;

е) ичишга яроқли сифатга эга сувни сақлаш учун мулжалланган, совуқ сув айланилишини таъминлайдиган бакларда қурилмаларни;

ж) иссиқ сув ажратишдаги узилишлар вақтида бақда- бак-аккумуляторида доимий ҳароратни зарурият булганда ушлаб туриш учун циркуляцион (айланишли) қувурни; циркуляцион қувурда жўмракли ёки сурма зулфинли тескари қопқоқ урнатишни кўзда тутиш лозим;

з) муҳит билан бакни бириктирувчи (диаметри 25 мм) ҳаво қувурини;

и) насос қурилмаларини ёқиш ва учириш учун баклардаги сувнинг сатҳ датчини;

к) бақдаги сувнинг сатҳ курсаттичини ва уларнинг курсатмаларини бошқариш пультага бериш учун қурилмаларни ...

... кўзда тутиш лозим.

*Эслатмалар:* 1. Узатувчи ва ажратувчи қувурларни биттага бирлаштириш мумкин, бу ҳолда узатувчи қувурнинг бак тубига тармоқланишида тескари қопқоқ ва сурма зулфини ёки жўмракни кўзда тутиш лозим.

2. Босимли сув бақда сувнинг сатҳ сигнализацияси булмаганда, қуйиш қувуридан 5 см га пастроқ бакка уланадиган, насос қурилмасининг навбатчи хонасидаги (раковина) чаноққа чиқариладиган, диаметри 15 мм булган сигналли қувурни кўзда тутиш зарур.

13.17. Гидропневматик баклар узатувчи, тармоқланувчи ва туширувчи қувурлар билан, шунингдек, сақлаш клапанлари, манометр, сатҳ ўлчаш датчиклари ва ҳаво заҳирасини ростлаш ва тулдириш учун қурилмалар билан жиҳозланган булиши шарт.

13.18. Гидропневматик бакларни, бакнинг тепасидан тўсиққача ҳамда баклардан деворгача 0,6 м дан кам булмаган масофада хоналарда жойлаштириш лозим.

13.19. Тескари сув таъминоти тизимларида ва сувни қайта ишлатиш тизимларида сув йиғиш учун резервуарларни бино ичида ва ташқарисида жойлаштиришга рухсат этилади. Резервуарларни ҚМҚ 2.04.02-97 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар" га мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

Резервуар сигимини, сув оқими графиклари ва тизимнинг тулдирилиши ва бушатилиши учун



уни ёқиш ва тўхтатишда зарур ҳажм сақланишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур.

Насослар билан сув узатилиши ва оқимининг маълум нотекисларида резервуарнинг ростловчи ҳажми 13,4 б. га мувофиқ ҳисоблашга рухсат этилади.

#### 14. АЛОҲИДА ТАБИИЙ ШАРОИТЛАРДА ҚУРИЛАДИГАН БИНОЛАРНИНГ (ИНШООТЛАРНИНГ) ИЧКИ ВОДОПРОВОД ТИЗИМЛАРИГА ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

##### ЧЎКУВЧИ ГРУНТЛАР

14.1. Бино ичида сув узатгич қувурларни, одатда, биринчи ва ерғула қаватларида, пол сатҳидан юқорида таъмирлаш ва кўриб чиқиш учун қулай очиқ тўшама билан жойлаштириш лозим.

14.2. Бинолар ичидаги пол тагида сув узатгич ва қувурлар киришларини ўтказиш, II тур тупроқли шароитларда назорат қудуқлари томонига қияланган сув ўтказмайдиган каналларда, кўзда тутиш лозим. Фундаментнинг ташқи узалиш жойидан назорат қудуғигача бўлган масофани ҚМҚ 2.01.09.-97 "Чўкувчи тупроқларда ва ишланадиган территориялардаги бинолар ва иншоотлар" га мувофиқ қабул қилиш лозим.

14.3. I тур тупроқ шароитларида бинолар қурилишида сув узатгичлар ва киришлар тузилмасини, шунунгдек, II тур тупроқ шароитларида бинонинг барча майдони бўйича тупроқ чуқиш хусусиятларини тўла бартараф этиш билан чўкмайдиган тупроқлар каби лойиҳалаштириш лозим.

14.4. Сув узатгич киришларини фундамент остонасидан пастроқ ўтказилишига рухсат этилмайди.

14.5. Сув узатгичлар киришлари ўтадиган жойларда фундаментларни

қувур новидан камида 0,5 м га пастроқ чуқурлаштириш лозим.

14.6. Каналларда ўтказилган қувурлардан сув сизишини назорат қилиш учун, диаметри 1 м бўлган назорат қудуқларини ўрнатишни кўзда тутиш лозим. Канал тагидан қудуқ тагигача бўлган масофани камида 0,7 м қабул қилиш лозим. Қудуқ деворларининг 1,5 м баландлиги ва унинг таги намдан муҳофазаланган бўлиши шарт. Қудуқларни II турдаги тупроқ шароитида ўрнатишда қудуқлар тагини 1 м чуқурликда зичлаш зарур.

Бир нечта чиқишлардан қувур узатгич орқали оқиб чиқувчи сувни йнгиш шартида битта назорат қудуғини ўрнатишга рухсат этилади. Бунда йнгувчи қувур узатгичнинг қиялигини камида 0,02 қабул қилиш лозим.

*Эслатма. Жамоат, маъмурий, маиший ва ишлаб чиқариш бинолари учун назорат қудуқларини, уларда сув пайдо бўлиши ҳақида автоматик сигнализация (огоҳлантиргич) билан жиҳозлантириш, турар жой бинолари учун эса имконият бўлганда, диспетчерлик пунктига сигнал берилиши лозим.*

14.7. Каналларнинг бино фундаментида туташув жойларида, каналлардан грунтга сув оқиб чиқиши мумкинлигининг олдини олиш зарур, бунда юк кўтарувчи конструкциясининг эркин ўтиришини таъминлаш лозим.

14.8. Пол сатҳидан пастда жойлаштириладиган, ички тармоқларга киришларни сув ўтмайдиган чуқурларда улаш лозим.

*Эслатма. II тур грунтли шароитларда қиш даврида қувурларда сув музлашининг олдини олиш чора-тадбирларини таъминлаш билан сув узатгичнинг кириш ер устида ўрнатилишига рухсат этилади.*

14.9. Қувурлар ўтказиш учун фундаментларда ёки ерғула деворларида бино асосининг ўта чуқишининг



ҳисобий катталиги 1/3 га тенг, қувур ва қурилиш конструкциялари ўртасида тирқишни таъминлайдиган тешикларни кўзда тутиш лозим. Очиқ жойлардаги тирқишларни сув ва газ утказмайдиган зич эластик материал билан тўлдириш лозим.

## СЕЙСМИК РАЙОНЛАР

14.10. Сув таъминоти биноларини ва иншоотларини лойиҳалашда, сейсмиклиги 7-9 балл бўлган районлар учун ҚМҚ 2.01.03-96 "Сейсмик районларда қурилиш" талабларини инобатга олиш зарур.

Сейсмиклиги 9 баллдан ортиқ бўлган районлар учун биноларнинг сув таъминоти тизимларини лойиҳалашда Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми билан келишиш буйича махсус чора - тадбирларни кўзда тутиш зарур.

## Мувофиқлаштирилаётган территориялар

14.11. Мувофиқлаштирилаётган территориялар шароитида қурилаётган биноларда совуқ ва иссиқ сувнинг ички сув узатгич тизимларини лойиҳалаштиришда, ҚМҚ 2.01.09-97 "Жойлаштириш грунтларидаги ва мувофиқлаштирилаётган территориялардаги бинолар ва иншоотлар"га мувофиқ ер юзаси грунтини ва бино элементларини деформациялар таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўзда тутиш лозим.

14.12. Қувурларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаш учун ер юзасининг деформацияси ва сурилишларининг кутилаётган катталикларини лойиҳалаштирилётган бинолар учун тоғ - геологик асослаш маълумотлари буйича қабул қилиш зарур.

Биноларнинг алоҳида қисмларининг силжишлари катталикларини геологларнинг ҳисобий маълумотлари буйича қабул қилинади.

14.13. Мувофиқлаштириш натижасида бинолар конструкциялари силжишларини келтириб чиқарган, қувурлардаги зуриқишларни камайтириш учун мувозанатлаштирувчи қурилмаларни қўллаш ҳисобига қувурларнинг қайишқоқлигини ошириш, уларни оқилона жойлаштиришни ва узелларни маҳкамлаш турларини танлаш ва киришларда қувурларнинг утқизишини ошириш лозим.

14.14. Бинонинг киришларида сув қувурининг вазифалари қувурларнинг талаб этилган мустаҳкамлиги, чокларнинг мослашиш қобилиятлари, шунингдек, техникавий - иқтисодий ҳисоблар натижаларини ҳисобга олиб, барча турдаги қувурларни қўллаш лозим.

14.15. Бўлимми қувурларнинг чокли бирикмалари зичловчи юмшоқ ҳалқалар ёки зичлагичларни (герметиклар) қўллаш ҳисобига қайишқоқ бўлиши шарт.

14.16. I ва II гуруҳ мувофиқлаштирилаётган территорияларда қурилаётган бинолардаги совуқ сув қувурининг киришларида мослаштириш қурилмаларини кўзда тутиш лозим III ва IV гуруҳ мувофиқлаштирилаётган территорияларда қурилаётган биноларга киришларда мослаштириш қурилмаларини урнатишни киришлар узунлиги 20 м дан ортиқ бўлганда кўзда тутиш лозим.

Қурилаётган бино территориясида мувофиқлаштиришлар натижасида чиқик жойларнинг ҳосил бўлиши кутилганда, ер ости киришларини сунъий ариқларда амалга ошириш лозим, бунда қувур усти ва сунъий ариқ ёнмаси орасидаги тирқиш чиқик жойларнинг ҳисобий бағаддигидан кам бўлмаслиги шарт.

14.17. Бинонинг ички сув узатгичининг қувурлари ёки бикр конструктив схема буйича мувофиқлаштириш таъсирдан химояланадиган алоҳида секциялари учун қўшимча химоя талаб этилмайди.

Қайишқоқ конструктив схема буйича химояланадиган биноларда қувурларнинг бино элементларига маҳкамланиши, қувурнинг ўқ буйлаб йўналган ва кўндаланг (горизонтал, вертикал) силжишини таъминлаши шарт.

Бундай биноларда қувурларни яширин ўтказишга рухсат этилмайди.

14.18. Домкратлар ёки бошқа қурилмалар ёрдамида текислаш йўли билан химояланувчи биноларда, қувурлардан маромли фойдаланишни таъминлайдиган чора-тадбирларни кўзда тутиш шарт.

Бундай биноларда стоякларни асосий тармоққа улаш ва сирғалиш чоки устида жойлашган бинонинг таркибий қисмларга ажратувчи қувурларни маҳкамлаш жойларида химоялаш чоралари сифатида қувурларнинг горизонтал ва вертикал силжишини таъминлайдиган мувозанатлагичларни кўзда тутиш лозим. Силжишлар катталиги биноларнинг ҳисобий қайишқоқлиги ва қувурнинг ҳарорати узайиши билан аниқланади.

14.19. Бир нечта бўлинмадан иборат бўлган бинолар киришларини, ҳар бир бўлинмага мустақил бўлишини кўзда тутиш лозим. Қувурлар шакли ўзгарган чокларни кесиб ўтган жойларда мувозанатлагичларни ўрнатиш вақтида битта киришни бўлинмалардан бирига жойлаштиришга рухсат этилади.

Киришларни ўрнатиш вариантлари техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар билан аниқланади.

14.20. Биноларнинг ертўлалари ёки техник ертўлалари буйича сув

таъминотининг транзит хууд ичи тармоқларини ўтказишда, бино конструкциялари билан қувурларнинг куч остида ўзаро таъсирини мустақило қилувчи чораларни кўзда тутиш лозим.

Бу каби қувурларда мувозанатлагичларни шакли ўзгарган чоклар кесишган жойларда ва транзит қувуридан ички тармоқ стоякларига тармоқланишларда ўрнатиш зарур. Бино қаватлари чегарасида шакли ўзгарган чокларни қувурларнинг кесиб ўтишига рухсат этилмайди.

14.21. Биноларнинг паст ертўлалари ва ертўлалари ичида қувурларни деворларга маҳкамланадиган кронштейнларда ва мустақил таянчларда ўтказишга рухсат этилади. Қувур узатгичларни таянчларга маҳкамланиши қувурларнинг ўқ буйлаб ва вертикал силжишига йўл қўйиши шарт.

14.22. Биноларни, ер юзасига маъданли газлар ажралиб чиқиши мумкин бўлган зоналарда лойиҳалаштиришда, ушбу биноларнинг ертўлалари ва паст ертўлаларига сув узатгичининг киришлари орқали газ ўтмаслиги учун уларнинг химояси кўзда тутилиши лозим.

14.23. Қайишқоқ мувозанатлагичларни ўрнатишда, уларнинг мувозанатлаштириш қобилияти қувурларнинг ҳарорат натижасида узайишининг ва бинонинг ёндош қисмлари силжишининг ҳисобий катталикларидан келиб чиқиб, аниқланиши шарт.

14.24. Бино пойдевори тагида қувурларни ётқизиш пулат қувурлардан иборат футлярларда бўлишини кўзда тутиш лозим. Футлярларни мустаҳкамликка ҳисоблашлар асосларнинг шакли ўзгариши таъсирдан ҳосил буладиган кучларни ҳисобга олиб бажарилиши зарур.

14.25. Биноларнинг пойдеворлари ва гишт терилган деворларида қувурларни бикр маҳкамлашга рухсат этилмайди.

Деворлар ва пойдеворлар орқали қувурларни ўтказиш учун тешиклар (ериқлар), бинонинг асосида шакл узгаришларининг ҳисобий катталигига тенг қурилиш конструкциялари ва қувур орасида тирқиш бўлиши таъминлаш шарт. Пойдеворлар очиқ ўринларидаги тешикларни зич эластик сув ва газ ўтказмайдиган материал билан тўддириш лозим.

14.26. Бино пойдеворига сунъий ариқларнинг туташган жойларида, сувнинг сунъий ариқлардан ерга утиб кетиш имкониятининг олдини олувчи қурилушларни кузда тутиш шарт. Бунда юк кўтарувчи конструкцияларнинг эркин чуқиши-ни таъминлаш лозим.

## КАНАЛИЗАЦИЯ

### 15. КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИ

15.1. Биноларнинг вазифасига кўра ва оқава сувларни йиғишга қўйиладиган талабларга боғлиқ ҳолда қуйидаги ички чиқиндилар қувурлари тизимларини:

маиший - санитария-техника асбобларидан (унитаазлар, юз-қул ювгичлар, ванналар, душлар ва ҳ.к.) оқава сувларни четлатиш учун;

ишлаб чиқариш - ишлаб чиқаришга оид оқава сувларни четлатиш учун;

бирлашган - тозалаш ва уларни биргаликда транспорт қилиш имконияти шартида маиший ишлаб чиқаришга оид оқава сувларни четлатиш учун;

ички новлар - бино том ёпмасидан муздан эриган ва ёмғир сувларини четлатиш учун ...

... лойиҳалаштириш зарур

Ишлаб чиқаришга оид биноларда, таркиби, агрессивлиги, ҳарорати ва бошқа курсаткичлари бўйича фарқ

қилувчи, уларнинг силжишига йул қўйиш мумкин эмаслигини ёки мақсадга мувофиқ эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, оқава сувларни четлатишга мўлжалланган канализациянинг (чиқиндилар қувурларининг) бир нечта тизимларини лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

15.2. Ишлаб чиқаришга оид ва маиший чиқиндилар қувурларининг алоҳида тармоқларини:

ишлаб чиқаришга оид оқава сувларнинг тозаланиши ёки ишлов берилиши талаб этиладиган ишлаб чиқариш бинолари учун;

иссиқлик тўтичлари урнатилганда ёки маҳаллий тозалаш иншоотлари мавжуд булган ҳолларда ҳаммомлар ва кирхоналар бинолари учун;

дуқоналар, умумий овқатланиш корхоналари ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари бинолари учун ...

... лойиҳалаштириш лозим.

15.3. ҚМҚ 2.04.03-97

"Канализация қувири. Ташқи тамоқлар ва иншоотлар" талабларига жавоб бермайдиган маиший сувлар билан тозалашга ва биргаликда четлатишга тўғри келадиган ишлаб чиқаришга оид оқава сувларни дастлабки ишлов беришдан ва тозалашдан ўтказиш лозим.

15.4. Лойиҳаларда чиқиндилар қувурларининг ва ички новларнинг ҳар бир тизими бўйича қуйидаги курсаткичларининг қийматлари:

максимал секундли  $q^s$ , л/с, максимал соатли  $q^s_{\text{ин}}$ , м<sup>3</sup>/соат, ва ҳафта давомида ўртача суткадаги ўртача соатли  $q^s_{\text{ов}}$ , м<sup>3</sup>/соат, ҳафта давомида ўртача суткадаги суткалик  $q^s_{\text{сут}}$ , м<sup>3</sup>/сутка, оқава сувларнинг сарфлари;

ёмғир сувларининг ҳисобий сарфи  $q^i$ , л/с, ...

... келтирилиши шарт



## 16. САНИТАРИЯ-ТЕХНИКА АСБОБЛАРИ ВА ОҚАВА СУВЛАР ПРИЕМНИКЛАРИ

**16.1.** Конструкцияларида гидравлик ҳалқалар бўлмаган санитария-техника асбоблари ва ишлаб чиқаришга оид оқава сувлар приемникларини маиший ёки ишлаб чиқаришга оид чиқиндилар қувурларига улаш вақтида, асбоблар тагидаги ёки приемниклар чиқишларида жойлаштириладиган гидравлик сифонлар билан жиҳозланиши лозим.

*Эслатмалар:* 1. Бир хонада ўрнатиладиган юз-қўл ювгичлар гуруҳи учун ёки бир нечта бўлинмаларга эга ювгич учун диаметри 50 мм ли ревизияга эга битта умумий сифон ўрнатишга руҳсат этилади.

Душлар тагликлари гуруҳидан ревизияли умумий сифон ўрнатишга руҳсат этилади.

Ҳар бир ишлаб чиқаришга оид ювгич учун (ювиш ваннаси), ҳар бир бўлим учун диаметри 50 мм бўлган алоҳида сифонни қўзда тутиш лозим.

Турали хоналарнинг умумий деворининг икки томонда жойлашган иккита юз-қўл ювгични битта сифонга улашга руҳсат этилмайди.

2. Ишлаб чиқариш вақтида ифлосланмаган ёки уларни мустақил чиқиндилар қувури тармоғига чиқаришда ва чиқиш жойида қудуқда (гиндиргичда) гидравлик ҳалқани ўрнатиш шартда механик аралашмалар (қасмоқ, шлам) билан ифлосланган ишлаб чиқаришга оид новлар приемниклари учун гидравлик ҳалқаларни қўзда тутмасликка руҳсат этилади.

**16.2.** Ишлаб чиқаришга оид оқава сувларининг махсус приемникларининг тури ва сони лойиҳанинг технологик қисмида аниқланади.

**16.3.** Барча унитазлар алоҳида ювиш бакчаси ёки ювиш кравлари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

*Эслатма.* Мактаблар, касалхоналар ва поликлиникалар ҳожатхоналарида ўрнатиладиган унитазларни ювиш қурилмаларини педалли ишга туширгичлар тури билан жиҳозлаш тавсия этилади.

**16.4.** Ҳожатхоналарнинг эркаклар бўлимида алоҳида осма ёки пол усти писсуарларини ўрнатишни қўзда тутиш лозим. Вокзаллар, стадионлар, одамлар куп йиғиладиган бинолар, бозорлар, таомошахоналар, корхоналар, савдо марказлари ва ҳоказоларнинг ҳожатхоналарида нов шаклидаги туваклар (писсуарлар) қўлланилишига руҳсат этилади.

**16.5.** Саноат корхоналари ва жамоат биноларидаги ҳожатхоналар, одатда, пол усти унитазлари ёки пол усти жомлари билан жиҳозланиши лозим.

Қурсатилган биноларда утиргичли унитазларни фақат маҳаллий санитария-эпидемиология хизмати органлари билан келишилган ҳолда ўрнатиш тавсия этилади.

Болалар богчаларида, шунингдек, умумтаълим мактабларида ва мактаб-интернатларда кичик синф ўқувчилари учун ҳожатхоналарни болалар унитазлари билан жиҳозлаш лозим.

**16.6.** Ишлаб чиқариш ва жамоат биноларининг шахсий гигиена хоналарида гигиена душларини, турар жой биноларида - бидзеларни қўзда тутиш лозим.

**16.7.** Қаватлараро ёпмаларда жойлашган душхоналарда, шунингдек, саноат корхоналарининг маиший хоналарида ва спорт иншоотларида душ тагликларини ўрнатиш тавсия этилади.

**16.8.** Кучма зиналарни:  
1-2 та душга мулжалланган душхоналарда - 50 мм диаметрлигини, 3-4 та душга - 100 мм диаметрлигини;

жамоат, маъмурий, маиший ва ишлаб чиқариш бинолари

## 17. ИЧКИ КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ

ҳожатхоналарида, саёҳатчилар қароргоҳлари, кемпинглар, санаториялар, меҳмонхона номерлари қошидаги санитария бўлмаларининг полида - 50 мм диаметригини;

беш ва ундан ортиқ юз-қўл ювгичи бўлган юз-қўл ювиш хоналарида;

турар жой биноларининг чиқинди ташлаш камераларида - 100 мм диаметригини;

ишлаб чиқариш хоналарида - полларни хўлаб тозалаш зарурияти бўлганда ёки ишлаб чиқаришга оид мақсадлар учун;

ҳожатхоналарда писсуарлар сони учтадан ортиқ бўлган ҳолларда;

уч ва ундан ортиқ унитазга эга жамоат ҳожатхоналарида, унитазлар сони кам бўлган ҳолларда - бюуртмачи билан келишилган ҳолда; шахсий гигиена хоналарида ...

... ўрнатиш лозим.

*Эслатмалар:* 1. Душхона хонасининг новиди купи билан 8 душга битта кучма зина ўрнатишга рухсат этилади.

2. Турар жой биноларининг ва пансионатларининг ваннахоналарида кучма зиналар ўрнатилмайди.

**16.9.** Душхона хоналарида полнинг қиялигини нов ёки кучма зина томонига 0,01-0,02 қабул қилиш лозим. Новнинг кенлиги камида 200 мм, бошлангич чуқурлиги 30 мм ва кучма зина томонига қиялиги 0,01 бўлиши шарт.

**16.10.** Санитария асбоблари ўрнатиладиган баландлик ҚМҚ 3.05.01-97 "Ички санитария-техника тизимлари" га мувофиқ қабул қилиниши лозим.

**16.11.** Узаро ёрдам чаноги, ҳалокат души ва бошқа узаро ёрдам қурилмаларини лойиҳалаштиришга берилган технологик вазифаларга мувофиқ ва саноатнинг турли тармоқлари иншоотларининг, корхоналарнинг ва биноларнинг қурилиш буйича лойиҳалаштириш кўрсатмалари буйича ўрнатиш лозим.

**17.1.** Оқава сувларни бартараф қилиш сув ўз-ўзидан оқадиган ёшиқ қувурлар орқали амалга оширилишини кўзда тутиш лозим.

*Эслатма.* Ёқимсиз ҳидга эга бўлмаган ва зарарли газ ва бутларни ажратиб чиқармайдиган, агар б/в технологик зарурият туғдирса, у ҳолда ишлаб чиқаришга оид оқава сувларни умумий гидравлик ҳалқали қурилма билан сув ўз-ўзидан оқадиган очиқ новлар орқали бартараф қилишга рухсат этилади.

**17.2.** Чиқиндилар қувурлари тармоқларининг участкалари тугри чизиқли ётқизилиши лозим. Чиқиндилар қувурини ётқизиш йўналишини ўзгартириш ва асбобларни улаш бириктирувчи қисмлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

*Эслатма.* Қувурнинг (горизонтал) четлатиш участкасида қатлам қиялигини ўзгартиришга рухсат этилмайди.

**17.3.** Чиқиндилар қувурлари стоякларида, агар санитария асбоблари четланишлардан юқори уланган бўлса, четланишларни ўрнатишга рухсат этилмайди.

**17.4.** Хоналар шифти остида, ертулалар ва техник ертулаларда жойлашган тармоқланган қувурларни стоякларга улаш учун эгри крестовина ва учламаларни кўзда тутиш лозим.

**17.5.** Бир сатҳдаги битта стоякка ваннадан тармоқланган қувурларни икки томонлама улаш фақат эгри крестовиналарни қўлаш билан амалга оширилишига рухсат этилади. Бир қаватда турли хонадонларда жойлашган санитария асбобларини битта тармоқланган қувурга улашга рухсат этилмайди.

**17.6.** Горизонтал текисликда жойлашган тугри крестовиналарни қўлашга рухсат этилмайди.

**17.7.** Материалларнинг занглашга чидамлилиқка, мустаҳкамликка талабларни ҳисобга олган ҳолда, чиқиндилар қувурлари тизимлари учун қуйидаги:

сув ўз-ўзидан оқадиган тизимлар учун - чуянли, асбест-цементли, бетонли, темир-бетонли, пластмассали, шишали.

Босимли тизимлар учун - босимли чуянли, темир-бетонли, пластмассали, асбест-цементли ...

... қувурларни кўзда тутиш зарур.

**17.8.** Қувурларнинг бириктирувчи қисмларини амалдаги Давлат стандартлари ва техник шартларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

**17.9.** Ички чиқиндилар қувурлари тармоқларини ўтказиш қуйидаги кўринишда:

очик - бино (деворларга, колонналарга, шифтларга, фермаларга ва бошқ.) конструкцияларига маҳкамлаш билан тармоқларни жойлаштириш учун мулжалланган ер ости ертўлаларида, ертўлаларда, цехларда, ёрдамчи ва қўшимча хоналарда, коридорларда, техник қаватларда ва махсус хоналарда, шунингдек, махсус таянчларда:

яширин - ёпмаларнинг қурилиш конструкцияларига маҳкамлаш билан, пол остида (ерда, каналларда) панелларда, девордаги буришиқлар, колонналарнинг қопламалари (облицовкалари) тагида (деворлар ёнига қўйиладиган қувурларда), қолланган шифтларда, санитария-техника кабиналарида, вертикал шахталарда, полда плинтус (часпак) тагида ...

... бўлишини кўзда тутиш лозим.

Мумкин бўлган нагрукани (огирлик) ҳисобга олган ҳолда, бино полининг тагида, ерда пластмассадан иборат бўлган қувурлардан канализация ўтказишга рухсат этилади.

Турли хил мақсадларга мулжалланган кўп қаватли биноларда

ички канализация ва новлар тизимлари учун пластмассали қувурлар қўлланганда қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

а) тикловчи коммуникацияли шахталарда (қудуқларда), штрабаларда, каналларда ва қувурларда, панелнинг олд томонини ҳисобга олманган ҳолда, уларнинг тусиқ конструкциялари шахтага, қувурга ва ҳ.к. ларга кириш имкониятини таъминлаган ҳолда, канализация ва нов стоякларини ўтказиш яширин кўринишда бўлишини кўзда тутиш, ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши шарт.

б) юзали панел поливинилхлориддан иборат бўлган қувурлар қўлланганда ёнмайдиган материалдан ва полиэтилендан иборат бўлган қувурлар қўлланганда - қийин ёнувчи материалдан очиладиган эшик кўринишида тайёрлашини шарт.

*Эслатма. Полиэтилен қувурларда юзали панел учун ёнмайдиган материални қўлашга рухсат этилади, ammo бу ҳолда, эшик очилмайдиган бўлиши шарт. Арматура ва ревизияларга кириш учун бу ҳолда майдони кўпи билан 0,1м<sup>2</sup> бўлган қопқоқли очиладиган люкларни ўрнатишни кўзда тутиш зарур;*

в) бино ертўлаларида, агар уларда ишлаб чиқаришга оид омборхона ва хизмат хоналари бўлмаса, шунингдек, чордоқларда ва турар жой бинолари санитария бўлмаларида канализация қувурлари ва пластмассали сув новлари қувурларининг ўтказилиши очик кўринишда бўлишини кўзда тутишга рухсат этилади.

г) ёпмалар орқали стоякларнинг утиш жойлари цемент қоришмаси билан ёпманинг бутун қалинлиги бўйича тулдирилган бўлиши шарт;

д) стояк участкасининг ёпмадан 8-10 см (горизонтал тармоқланган қувургача) юқори қисмининг



қалинлиги 2-3 см цемент қоршмасы билан муҳофазалаш лозим:

е) стоякни қоршма билан тўдиришдан аввал қувурларни тешиксиз рулонли гидроизоляцияли билан ураш лозим.

**17.10.** Ички канализация тармоқларини қуйидаги ҳолларда :

махсус санитария тартибини талаб этадиган турар жой хоналарининг, болалар муассасалари етоқхоналарининг, даволаш кабинетларининг, овқатланиш залларининг, маъмурий бинолар ишчи хоналарининг, мажлисхоналарининг, томоша залларининг, кутубхоналарининг, ўқув аудиторияларининг, автоматик бошқарув пультларининг, электр тўсиқ (электр шчити) хоналарининг ва трансформатор хоналарининг, ҳавони ичкарига йўналтирувчи вентиляция (шамоллатиш) камераларининг ва ишлаб чиқариш хоналарининг шифтлари тагида, деворларида ва полларида;

ошхоналарининг, умумий овқатланиш корхоналари хоналарининг, савдо залларининг, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қимматбаҳо товарлар омборхоналарининг, вестибюлларининг, қийматга эга бадий безатилган хоналарнинг шифтлари тагида (очик ёки яширин), ишлаб чиқариш печлари урнатилган жойлардаги ишлаб чиқариш хоналарининг, агар уларга намлик тудишига рухсат этилмаса, намлик тушиши натижасида уларнинг сифати пасайиши мумкин бўлган қимматбаҳо товарлар ва материаллар ишлаб чиқариладиган хоналарнинг шифтлари тагида ...

...ўтказишга рухсат этилмайди.

*Эслатма. Ҳавони ичкарига йўналтирувчи вентиляция (шамоллатиш) камералари хоналарида сув оқадиган стояклар, уларни ҳаво тўстич зонасидан ташқарида жойлаштириб, ўтказишга рухсат этилади.*

**17.11.** Канализация тармоғига қабул қилувчи воронканинг (чуқур) тепасидан оқим узилиши камида 20 мм бўлганда қуйидагиларни:

озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун технологик жиҳозларни;

жамоат ва ишлаб чиқариш биноларида урнатиладиган идиш ювгич учун жиҳозлар ва санитария-техника асбобларини;

сув ҳавзасининг нилаб қувурларини ...

... улашни кўзда тутиш лозим.

**17.12.** Умумий овқатланиш корхоналари орқали утадиган, бинонинг юқори қаватларида жойлашадиган маиший канализация стоякларини ревизия урнатилмаган сувоқланган қувурларда кўзда тутиш лозим.

**17.13.** Умумий овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш ва омборхона хоналарида, товарларни қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш учун хоналарда ва дуконларнинг ёрдамчи хоналарида ишлаб чиқаришга оид оқава сув қувурларини ўтказишни ревизия урнатилмайдиган қувурларда жойлаштиришга рухсат этилади.

Дуконлар ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш ва маиший канализациялари тармоқларидан иккита алоҳида чиқаришларни ташқи канализация тармоғининг битта қудуғига улашга рухсат этилади.

**17.14.** Яширин ўтказиш вақтида стоякларда ревизиялар ўрнига 30x40 см ўлчамлардан кам бўлмаган туйнуқларни кўзда тутиш лозим.

**17.15.** Асбоблардан тармоқланадиган қувурларни маъмурий ва турар жой биноларидаги ҳожатхоналарда, ошхоналардаги ювгичлар ва чаноқларда, даволаш кабинетларида, юз-қўл ювгичларда, касалхона палаталарида ва бошқа хоналарда пол устидан ўтказилишини

кўзда тутиш лозим; бунда намдан муҳофазалаш ва қоплама урнатишни кўзда тутиш зарур.

Агрессив ва захарли оқава сувларни транспорт қилувчи қувурларни пол тагида урнатишни пол сатҳигача чиқарилган ва қўчирилиб олинадиган плиталар (тахталар) билан ёпилган каналларда ёки тегишлича асосланганда, ер ости йулаги утишларида кўзда тутиш лозим.

**17.16.** Кўп қаватли турар жой уйларида, одатда, горизонтал текисликда горизонтал йигма нов бурилишларини, шунингдек, бир йигма новнинг иккинчиси билан бирлашишини кўзда тутишга рухсат этилмайди.

**17.17.** Портлаш ҳавфи бўлган цехлар учун муассасавий меъёрларда келтирилган, ҳар бирида техника ҳавфсизлиги талаблари ҳисобга олинган мустақил чиқаришлар, вентиляция стояклари ва гидротўсиқлари бўлган алоҳида ишлаб чиқаришга оид канализацияни кўзда тутиш лозим.

Тармоқ вентиляцияси, қувурларнинг энг юқори нуқталарига уланадиган вентиляция стоякларни орқали бўлишини кўзда тутиш зарур.

Таркибида ёнувчи ва тез алангаланувчи суюқликлар бўлган оқава сувларни транспорт қилувчи ишлаб чиқаришга оид канализацияни маиший канализация тармоғига ва сув новларига улашга рухсат этилмайди.

**17.18.** Ташқи канализация тармоғига оқава сувларни бартароф қилувчи маиший ва ишлаб чиқаришга оид канализациялар тармоқлари стояклар орқали улардаги сўриб олувчи қисмининг том ёпмаси ёки бинонинг йигма вентиляция шохтаси орқали қуйидагича:

фойдаланилмайдиган текис том ёпмасидан ..... 0,3  
ниппаб том ёпмасидан ..... 0,5

фойдаланиладиган том ёпмасидан ..... 3  
йигма вентиляция шохтасининг кесимидан..... 0,1  
балаңдикка, м, чиқарилиб вентиляцияланиши шарт.

Том ёпмасидан юқорига чиқариладиган канализация стоякларнинг сўриб олувчи қисмларини (горизонтал буйича) очиладиган деразалар ва айвонлардан камида 4 м масофада жойлаштириш лозим.

Вентиляция стоякларда флюгаркаларни кўзда тутиш талаб этилмайди.

**17.19.** Канализация стоякларнинг тортиш (сўриб олиш) қисмини вентиляция тизимлар ва тутун мурилари билан улашга рухсат этилмайди.

**17.20.** Канализация стоякнинг тортиш қисмининг диаметри оқувчан стояк қисмининг диаметрига тенг бўлиши шарт. Бир нечта канализация стоякларни битта тортиш қисми устидан бирлаштиришга рухсат этилади. Бирлашган канализация стояклар гуруҳлари учун тортиш стоякнинг диаметри, шунингдек, канализация стоякларни бирлаштирувчи йигма вентиляция қувур участкаларининг диаметрларини 18.6б.га мувофиқ қабул қилиш лозим.

Канализация стоякларни юқорида бирлаштирувчи йигма вентиляция қувурларни стояклар томонига 0,01 қияликда бўлишини кўзда тутиш лозим.

**17.21.** Канализация стояк буйича оқава сувнинг 7-жадвалда кўрсатилгандан ортиқ сарфларида, канализация стоякка бир қават орқали уланадиган қўшимча вентиляция стояк урнатилишини кўзда тутиш лозим. Қўшимча вентиляция стояк диаметрини канализация стояк диаметридан бир ўлчамга кичик қабул қилиш лозим.

Қушимча вентиляцияон стоякни, ушбу қаватда жойлашган санитария - техника асбоблари ёки ревизиялар ен деворидан юқорида каналзацияон стоякда ўрнатиладиган эгри учланма ўсимтасининг устида юқоридан йўналтирилган ёки пастдаги охириги асбобнинг тагида пастда каналзацияон стоякка улашни кузда тутиш лозим.

17.22. Технологик аппаратулардан оқава сувларнинг ҳаракатини, зарур бўлган ҳолда, кузатиш учун оқава сувларни ёки ишлатилиб бўлинган совутилган сувларни бартараф қилувчи қувурларда, оқим узилишини кузда тутиш ёки кўриш фонусларини ўрнатил, айланма сув таъминоти тизимларида ортиб қолган сув босимидан фойдаланилганда ёки доимий назорат булмаганда - автоматлаштириш ва назорат схемасига киритилган оқиш релесини ўрнатишни кузда тутиш лозим.

17.23. Ички маиший ва ишлаб чиқаришга оид каналзация тармоқларида, куйидаги ҳолларда :

пастки ва юқориги қаватларда - стоякларда, агар уларда четланишлар бўлса, шунингдек, ва юқорида жойлашган четланишлар устидаги қаватларда;

баландлиги 5 ва ундан ортиқ қаватли турар жой биноларида - ҳар уч қават оралигидан кам булмаган ҳолда;

тагида тозалаш учун қурилмалар булмаган, уланадиган асбоблар сони 3 ва ундан ортиқ булган чиқариш қувурларининг участкалари (новлар ҳаракати буйича) бошланиш жойида;

тармоқлар бурилишларида - новлар ҳаракати йўналиши  $30^\circ$  ва ундан ортиқ бурчак остида узгарганда, агар қувур участкаларини бошқа участкалар орқали тозалаш имконияти булмаган ҳолларда ...

... ревизиялар ва тозалагичларни кузда тутиш лозим

17.24. Канализация тармоқларининг горизонтал участкаларида ревизия ва тозалагичлар орасидаги энг катта масофа 5-жадв. га мувофиқ қабул қилиш зарур.

17.25. Канализацияон қувурлар жойланишининг энг кичик чуқурлигини, доимий ва вақтинча таъсирлар остида емирилишидан қувурларни сақлаш шартидан келиб чиқиб, қабул қилиш лозим.

Хоналарда ўтказиладиган каналзацияон қувурлар, қаерда, фойдаланиш шартларида уларнинг механик шикастланиши мумкин бўлса, у ҳолда улар муҳофазаланган бўлиши, маиший (паст) ҳароратларда фойдаланиладиган тармоқ участкаларида эса - иситилиши шарт.

Маиший хоналарда қувурларни пол сиртидан қувурнинг тепасигача 0,1 м чуқурликда ўтказишни кузда тутишга рухсат этилади.

17.26. Ҳидга эга булмаган ва зарарли газлар ва бутларни ажратиб чиқармайдиган оқава сувларни чиқариб юборувчи ишлаб чиқаришга оид каналзация тармоқларида, ишлаб чиқариш бинолари ичида кўриш қудуқларини ўрнатишга рухсат этилади.

Диаметри 100 мм ва ундан ортиқ булган ички ишлаб чиқаришга оид каналзация тармоғида кўриш қудуқларини қувурлар бурилишларида, қувурлар қияликлари ёки диаметрлари узгарадиган жойларда, тармоқланишлар қўшила-диган жойларда, шунингдек, ҚМҚ 2.04.03-97 "Канализация Ташки тармоқлар ва иншоотлар" да келтирилган, қувур участкаларининг узун тўғри чизиқли масофаларида кузда тутиш лозим.

Маиший каналзация тармоқларида бино ичида кўриш қудуқларини ўрнатишга рухсат этилмайди.



| Қувур диаметри,<br>мм | Оқава сувлар турига боғлиқ тозалагичлар ва<br>ревизиялар орасидаги масофа, м |  |  | Тозалаш<br>қурилмалари-<br>нинг тури |
|-----------------------|--|--|--|--------------------------------------|
|                       | Ишлаб<br>чиқаришга оид<br>ифосланмаган<br>оқава сувлар ва<br>новлар          | Маиший ва<br>ишлаб чиқариш,<br>унга яқин оқава<br>сувлар | катта миқдорда<br>муаллақ<br>моддаларга эга<br>булган ишлаб<br>чиқаришга оид<br>оқава сувлар |                                      |
| 50                    | 15   | 12   | 10   | Ревизия                              |
| 50                    | 10   | 8  | 6  | Тозалаш                              |
| 100 - 150             | 20   | 15   | 12   | Ревизия                              |
| 100 - 150             | 15   | 10   | 8  | Тозалаш                              |
| 200 ва ортиқ          | 25   | 20   | 15   | Ревизия                              |

*Эслатмалар: 1. Шифтлар тагидан утказиладиган канализация тармоқлари осма линияларида ревизиялар урнига, полда ёки хонанинг вазифасига кўра юқорида жойлашган қаватта чиқариладиган люкларни (түйнукларни) жойлаштириш билан тозалагичларни ўрнатишни кўзда тутиш лозим.*

*2. Ревизия ва тозалагичларни, уларга хизмат кўрсатиш учун қулай жойларда ўрнатиш зарур.*

*3. Канализациянинг ер ости қувурларида ревизияларни диаметри камида 0,7 булган қудуқларда ўрнатишни кўзда тутиш лозим. Қудуқнинг туби ревизия гардишига нисбатан камида 0,05 қиялик ка эга бўлиши шарт.*

Ҳидлар, зарарли газлар ва буғлар ажратиб чиқарадиган ишлаб чиқаришга оид канализация тармоқларида қудуқлар ўрнатишни ва уларнинг конструкцияларини муассасавий меъёрларга мувофиқ ҳолда кўзда тутиш лозим.

Муаллақ материаллар (пульпа, шламлар ва ш.к) булган новларни транспорт қилувчи ишлаб чиқаришга оид канализация тармоқларида қувурларни даврий тозалаш учун қурилмаларни кўзда тутиш тавсия этилади.

**17.27.** Ён деворлари яқинидаги кўриш қудуқларининг түйнук сатҳидан пастда жойлашган санитария асбобларини, чиқиндилар чиқариладиган ерғуладаги қувурда ўрнатиладиган датчикнинг огоҳлантириши буйича автоматик бошқариладиган, электрланган юритгичли зулфин ўрнатиладиган ва алоҳида чиқариш қурилмаси булган канализациянинг алоҳида тизимига

(юқорида жойлашган хоналар канализация тизимидан муҳофазаланган) ва навбатчи хонага ёки диспетчерлик пунктига авария огоҳлантириш сигнални бериш билан улаш зарур.

Электрланган зулфин кетидан юқорида жойлашган қаватларнинг канализацияларини сувнинг оқими буйича пастда улашга рухсат этилади, бунда ерғуладаги стоякда ревизия ўрнатишга рухсат этилмайди.

Ерғула хоналарининг канализация тармоғидан чиқаришларни камида 0,02 қияликда бўлишини кўзда тутиш лозим.

Чиқиндилар чиқариладиган ерғула ва маҳсулотлар сақлаш учун мўлжалланган омборхона хоналаридан берк асосий деворлар билан ажратилган бўлиши шарт.

*Эслатма. Қувур найчасида новлар сатҳи датчикни ўрнатиш билан қул*

## 18. КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

кучи юритмасига эга сулфин урнатишга ва хизмат қилувчи ходимлар сутка давомида бўладиган ховага новлар сатҳининг ошиб кетиши ҳақида сигнал (хабар) берилишига рухсат этилади. Электрланган ва қўл кучи юритмасига эга сулфин урнатишган жойлар сутканинг исталган вақтида киришга имконият бериши шарт.

6-жадвал

| Қувур диаметри, мм   | 50 | 100 | 150<br>ва<br>ортиқ |
|--|----|-----|--------------------|
| Стояқдан ёки тозалогичдан куриш қудуги уқигача булган чиқиш узунлиги | 8  | 12  | 15                 |

*Эслатмалар: 1. Чиққан жой узунлиги жадвалда кўрсатилган узунликдан ортиқ бўлганда, қўшимча куриш қудуги урнатишни кўзда тутиш зарур.*

*2. Ифлосланмаган оқава сувларнинг ва новлар чиққан жойнинг узунлигини қувурнинг диаметри 100 мм ва ортиқ бўлганда 20 м гача катталаштиришга рухсат этилади.*

**17.28.** Стояқдан ёки тозалогичдан куриш қудуги уқигача чиққан жойлар узунлиги 6-жадвалда кўрсатилгандан катта булмаслиги шарт.

**17.29.** Чиққан жой диаметрини ҳисоб йўли билан аниқлаш лозим. У, ушбу чиққан жойга уланадиган стоякларнинг энг катта диаметридан кам булмаслиги шарт.

**17.30.** Чиқаришларни ташқи тармоққа камида 90° қиялик остида (оқава сувлар ҳаракати буйича ҳисобланганда) улаш лозим. Канализация чиқаришларида қуйидаги сатҳлар фарқи:

0,3 м гача - очик - ташқи канализация қудугига силлик бурилиш билан кирувчи, бетонли тарнов буйича лотоқда (новда);

0,3 м дан ортиқ - ёпиқ - стояк кўринишида кесими ўтказувчи қувур кесимидан кам булмаганда ...

...урнатилишига рухсат этилади.

**17.31.** Ертула деворлари ёки бино пойдеворларининг чиққан жой билан кесилишида 9.7 б.да кўрсатилган тадбирларни бажариш лозим.

**18.1.** Турли материаллардан иборат диаметри 500 мм гача бўлган канализацион қувурларнинг гидравлик ҳисобини, 9-сон тавсиявий Илованинг номограммаси буйича ёки жадваллар буйича, диаметри 500 мм дан ортиқ булган қувурлар учун эса - СНиП 2.04.03-85 "Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар" га мувофиқ амалга ошириш лозим.

**18.2.** Канализацион қувурлар ҳисобини, суюқлик ҳаракатининг тезлигини  $V$ , м/с, ва тўлдирилишини  $H$  деб белгилаб, амалга ошириш лозим, шундай қилиб,

$$v = \sqrt{\frac{H}{d}} \geq K, \quad (36)$$

шарти бажарилиши зарур.

бу ерда  $K=0,5$  - пластмасса ва шишали қувурлардан иборат булган қувур ўтказгичлар учун;

$K=0,6$  - бошқа материаллардан булган қувур ўтказгичлар учундир. Бунда суюқлик ҳаракатининг тезлиги камида 0,7 м/с булиши, қувурларнинг тўлдирилиши - камида 0,3 булиши шарт.

Қуйидаги ҳолларда, қачонки (36) шартни, маиший оқава сувлар сарфининг қиймати етарли эмаслигидан, бажариш имконияти мавжуд булмаганда, диаметри 40-50 мм булган қувурларнинг ҳисобсиз участкаларини 0,03 қиялик билан, диаметри 85 ва 100 мм булганлари эса - 0,02 қиялик билан ўтказиш лозим.

Ишлаб чиқаришга оид канализация тизимларида ҳаракат тезлиги ва қувурларнинг тўлдирилиши ишлаб чиқаришга оид оқава сувларнинг ифлосларини транспорт қилиш зарурлиги аниқланади.

**18.3.** Қувурнинг энг катта қиялиги 0,15 дан (асбоблардан узунлиги 1,5 м гача тармоқланишларни ҳисобга олмаганда) ошмаслиги шарт.

**18.4.** Лотокларнинг (тарнов) қияликларини ва улчамларини, оқава сувларнинг уз-узини тозалаш, лотокларнинг тулдирилиши - улар баландлигининг кўпида 0,8, лотоклар кенлигини - камида 0,2 м таъминланиши шартдан қабул қилиш лозим.

Лоток кенлиги гидравлик ҳисоб нагижаларига ва конструктив ечимларига боғлиқ ҳолда тайинланади; лоток баландлиги 0,5 м дан юқори бўлганда, унинг кенлиги камида 0,7 м бўлиши шарт.

Оқава сувларнинг уз-узини тозалаш тезлигини таъминлаш имконияти бўлмаганда, гидравлик қўзғаткичларни ўрнатишга рухсат этилади.

**18.5.** Канализацион стоякнинг диаметрини 7-жадвал буйича, оқава суюқликнинг ҳисобий сарфининг миқдорига, қувурнинг қаватлараро ажратишининг энг катта диаметрига ва уни стоякка улаш бурчагига боғлиқ ҳолда қабул қилиш лозим.

*Элатма. Пластмассади қувурлар қўлланганда, қувурнинг ички диаметри ҳисобга олинади.*

